

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

ДЎППИ ТИККАН САБРЛИ БЎЛАДИ



- Биз раҳматли умр йўлдошим Холмуроджон билан билардикки, ўтаётган вақтимиз ғанимат. Шунинг учун фарзандларимизга ҳам шу одатимизни сингдиришга интилгандик...

Муомаламиз жуда ширин эди. Ҳатто, чақалоқ болаларимизни ҳам сизлаб гапирардик.

- Ўзимни болаларим учун бағишладим, дедим...

- Мен турмуш муаммоларига жуда эрта тушундим. Уруш пайтида далага чиқиб ўзим тенги қизларга бригадир бўлганман, 14 ёшимда табелчилик қилганман. Ўша даврларда пахта далаларига тез-тез йўлдош

Охунбобоев келиб турарди. У ҳар келганида: "Баракалла, қизим!" дея елкамга қоқиб қўярди. Менинг эса қувончдан бошим осмонга етарди. Колхоз раиси Тожиҳон Нейматова мени яхши қўриб қолиб, набира-си Холмуроджонга совчи

бўлиб келди. Момақайонам жуда ишчан, талабчан, аммо ниҳоятда меҳрибон аёл эди. Шу кишига неваракелин бўлдим.

- Холмурод ака прокурор бўлган дегандигиз...

- Ҳа, у етти йилча прокурор бўлиб ишлади. Кейин эса, Тошкентдаги Кишлоқ хўжалик институтини битириб, агроном ҳам бўлди. Сўнг Гулистонга йўлланма олди. Гулистонда уй-жой қилдик. Фарзандларимиз кўпайди.

- Жамила ая, фарзанд тарбиясида нималарга кўпроқ эътибор бердингиз?

- Дадаси кун бўйи ишда бўларди. Мен болалар тарбияси, уй иши билан машғул бўлдим. Осон эмас эди. Рўзгор юмушларидан қутулгач дўппи тикишга киришардим. Онам раҳматли: "Дўппи тикканлар сабрли бўлади", деб кўп айтгандилар. Бориға қаноат, йўғига сабр қилдим.

- Чеварликка қизиқармидингиз ёки тирикчилик учун бу иш билан шуғул

ланармидингиз?

- Болаликдан ўрганган ҳунарим эди бу. Бир ойда 30 дона дўппи тикардим. Фарғонадаги дўппидўзларга 25 сўмдан берардим. Ҳарна рўзгорга мадад бўлсин дердим.

Ота-онанинг вазифаси болани дунёга келтиришдан иборат эмас. Балки, уларга касб танлашига ҳам ёрдам беришдир. Асосийси, касб танлашга ўргатиш.

- Болаларимдан кўнглим тинч. Тўғри, улар энди уй-жойли, фарзандлари, рўзгор ташвиши билан банд. Аммо, мен учун улар ҳали ҳам бола-да. Рўзгор юкини тортиш азоби нималигини яхши биламан. Шаънимизга айтилган "Ота-онанга раҳмат", дейилган сўз мен учун дунёнинг барча олтин-кумушларидан аъло.

Жамила ая болалари учун яшади, меҳнат қилди. Ёшлиги, хусни, навқиронлиги болаларига кўчди. Фарзандларингизда ўз умрининг ибратли аксини кўрмоқ эса, энг чиройли бахтдир, шундай эмасми?



ТИЛ БИЛГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Муҳаммадсодиқ ака Тўхтаев билан Ноила опа Тўхтаевалар немис тили мутахассислигини танлашганда ҳали йигирма ёшга ҳам тўлишмаганди. Мана, Муҳаммадсодиқ ака умрининг 45 йили, Ноила опа умрининг 40 йили айнан немис тили муаллимлиги касбига бағишланибди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам Тошкент Давлат чет тиллар институтини тугаллашди. Муҳаммадсодиқ ака кейинчалик ўзи ўқиган институтда дарс берди. Германияда малака ошириб қайтди. Шундан сўнг эса Андижон вилоятидаги янги ташкил этилган Андижон Давлат тиллар институтига ишга юборилди.

- Ўттиз йил Андижон Давлат тиллар институтида ишладим. Ноилахон иккимиз немис олимлари, ёзувчилари орасида ўзбек маданиятини тарғиб қилдик. Германияга борганимизда юртимиз ҳақида жуда кўп суриштирардик. Биз эса мароккан сўзлаб берардик. Ўзбекистон ҳақида уларнинг жуда кўп нарсаси билишга интилишларидан хурсанд бўлардик.

Муҳаммадсодиқ ака ўз фаолияти давомида Берлин, Лейпциг университетлари ўқитувчилари билан ҳамкорлик қилди. Андижонга Рут Клаппенбах, Дорис Шульц, Вольфганг Штайш каби олимларни таклиф этди. Улар билан тажриба алмашишди. Институт ҳаваскор талабаларининг бадиий дастаси билан Германияга боришиб, Вартбург шаҳрида ўзбекча қўй, қўшиқларни, лапарларни намойиш этишди.

- Муҳаммадсодиқ ака, немис дўстларимизга қайси удумларимиз кўпроқ маъқул бўлган?

- Ёзининг охирларида немис олимлари, ўқитувчилари билан водийга айлангани бордик. Пишиқчилик бўлса-да, ўриқлар тугаганди. Девор оша ўриқлари олтиндек сарғайиб пишиб ётган шох қўриниб турган экан. Меҳмонларим эса, "Бирор донасини олиш мумкинми?" деб сўрашди. Мен эса: "Албатта мумкин. Қани кетдик, кириб ўриқдан тамадди ҳам қилиб чиқамиз", дедим. Улар бўлса: "Ие, ахир уй эгалари сизга ҳам, бизга ҳам нотаниш-ку", дея ажабланишди. Мен эса уларни хайратда қолдириши мумкин бўлган удумларимиз борлигидан ҳузур қилардим.

Кейин уларни бошлаб ўша нотаниш ҳовлига кирдим. Ховлида ҳечким йўқ, ҳаммаси боғда экан. "Ким бор?" дея ҳай-ҳайлаб кириб кетаётсак бир аёл чиқиб қолди. У бизни анчадан буён кутаётган кадронларидек кутиб олди. Супачага янги кўрпачаларни солиб, дастурхон тузди. Ўша ҳавасимиз келган ўриқдан бир челагини узиб, кетаётганимизда сумкаларимизга солиб ҳам беришди. Меҳмонларим лол эди. Мен эса ўзбек диёридаги ҳамма одамларнинг эшиги меҳмон учун очиклигини, меҳмондўстлиги, одамхонлиги қонимизга сингиб кетганлигини мамнуният билан таъкидлардим. Бу гапларни айтишимнинг боиси шундаки, биз ана шу удумларимиз билан ҳаммадан ус

тунмиз. Кўп юртларда бўлдим, лекин ўз элимдек урфу одатлари бетакрор гўзал элни кўрмадим.

- Эру хотиннинг бир дарёда сузгани яхши экан, дейди Муҳаммадсодиқ аканинг рафиқаси Ноилахон. - Иккимиз ҳам немис тили мутахассислигини танлаганимиз боис уйда ҳам шу тилда кўп гаплашардик. Бу эса касбимизни янада мукамал ўрганишимизга ёрдам берарди. Оилавий ҳаётимиз меҳнатимиз билан гўзал бўлди. Ўғлимиз Ботиржон, қизимиз Нарғизахонлар вояга етишди. Айниқса Ҳамиджон ўғлимизни куёв эмас, иккинчи ўғлимиз ўрнида кўраимиз. Улардан хурсандмиз, Оллоҳ бир ўғлимизни икки қилганига шукр. Шахноза, Фар-

рух, Зафар, Фарҳод, Азиз исмли набираларимиз бор. Қайси касбда ишлашларидан қатъий назар, набираларимнинг ҳам тил ўрганишларини жуда истаймиз. Чунки, тил билган кишига дунёни кезиш ҳам гаштли бўлар экан.

Муҳаммадсодиқ ака ўзининг етмиш йиллик умридан, Ноила опа эса олтимиш беш йиллик умридан рози. Тўхтаевлар оиласида бўлиб, улар ҳаётидаги тотувлик, бахту-саодат, кексаликнинг фароғатли онларига ҳавас қилдим. Зеро, биз қалам аҳли учун юртдошларимизнинг бахтли ҳаётлари ҳақида ёзиш ҳаммиша гаштли ва мароқли.

Саҳифани Басира САЙИДАЛИЕВА тайёрлади

Сўраглар муаллифи — М. Мирсодиқов



Суратда: Сожида опа Полвонова ўзи раҳбарлик қилаётган 6-синф ўқувчилари билан бирга.

ЎҚИТУВЧИ ИЖОДКОР, ЯРАТУВЧИ

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранг ила, Айламак бўлмас адо

онинг ҳақин юз ганж ила. Ўзим таълим олган қадрдон 5-сон мактабга ҳар гал борганимда Ҳазрати Алишер Навоийнинг ушбу гўзал мисралари эсимга тушади. «Ҳақ йўлида» сабоқ берган меҳрибон устозларимиз хурмати бу азиз даргоҳга тез-тез бориб тураман. Бизни ўқитган муаллимларимизнинг кўплари ҳозир қарилик гаштини суришяпти. Баъзилари ҳамон шу даргоҳда чарчамасдан меҳнат қилишмоқда. «Ҳеч бир осмон остида бизнинг устозлардек камтарин, самимий, меҳрибон устоз бўлмас керак», деган ҳаёлга бораман.

Гулсара опа Матназарова, Аҳмаджон ака Кодиров, Ирина Матюшина, Нина Бобкова, Саъдулла ака Собиров, Сожида опа Полвонова, Тўхтажон опа Эгамбердиева сингари қалбидарё муаллимларимнинг сабоқлари ҳамон ёдимда. Раҳматлик Ойдин опа Ражабова, Аҳмаджон ака Рахимов, Улуғ Ватан уруши фахрийси Бари Янишевларнинг порлоқ хотиралари олдида бош эгаман. Назаримда, қайсидир бир синфхонада дарсларини ўтаётганга ўхшашиди. Оранда 22 йил ўтибди-ю буларнинг бари кечагина бўлгандай...

Қарийб 45 йилдан бери шу даргоҳни табаррук билиб, бутун умрини, куч-қувватини ёш авлод таълим-тарбиясига бахшида этиб келаётган камтарин устозларимдан бири Сожида опа Полвоновдир. Сожида опа Ўрта Осиё Давлат университетининг тарих факультетини тугатиб, шу мактабда иш бошлаганида эндиgina 23 ёшга тўлган эди. Ўзига ва ўзгаларга талабчанлиги билан тез орада ўқувчилар, ҳамкасблари ҳурмат-эътиборини қозонади. Янгиликларга интилувчанлиги, ўз устида кўп ва ҳўп ишлаши боис кўзга кўринади.

Устоз хамиша: «Мактабнинг мақсади тарбия ва фақат тарбиядир», деган фикрни тез-тез такрорлаб туради. Дарсларида мавзуга доир муҳим саналар, энг зарур воқеалар хотирга сақланиши даврларни таҳлил қилишга ёрдам беришини ўқтиради. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга, уйғонишга, изланишга даъват қилади.

Бола ўқитувчининг меҳрибонлигини, ўзидаги билимларини беришга ҳаракат қилаётган устоз эканлигини, ўқитувчи уларни ҳурмат қилишини доимо ҳис этиб туриши керак, дейди муаллима. Айниқса ўқитувчининг ўқувчиларга «сиз»лаб мурожаат қилиши катта аҳамиятга эга. Ўқитувчи ижодкор, яратувчи бўлиши лозим. Ўз устида ишлаб, доимо изланиш олиб борган ўқитувчининг ўқитувчилик касбининг янги-дан-янги, ҳали очилмаган қирраларини топаверади.

Ҳозирги кунда Сожида опанинг юзлаб шогирдлари турли жабҳаларда самарали меҳнат қилишяпти. Тантаналарда, тўй-маъракаларда, байрамларда собиқ ўқувчилари энг аввало устознинг хурматини жойига қўйишади. Ўзи билан ёнма-ён шу даргоҳда ишлаётган Ўғилжон Тўраева, Саодатжон Сатторов, Қаромат Раҳимова сингари умидли ёш педагоглар ҳали ҳам устоз маслаҳатларига қўлоқ солишади.

Устоз! Бу сўз замирида қуёш янглиғ ҳарорат, чашма мисоли тиниқ, осмондек чексиз меҳр-муҳаббат мужассам эканлигини ҳис этаман.

Дилбар БЕКЖОНОВА
Урганч шаҳри

ТИЛ — ТАФАККУР РАМЗИ

Ўзбек маданий ҳаётининг бошланғич даври узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ўзбек тилининг шаклланиши ва ривожланиши палласи эса ўша ўтмиш тарихнинг маҳсулидир. Қадимги туркий адабиёт ҳам бевосита ана шу тил тараққиёти таъсирида яратилиб, камол топгани ёзма манбалардан маълум.

Тил — муомала, сўзлашув ва алоқа воситаси бўлиши билан бирга миллат қиёфасини белгилловчи бебаҳо неъматдир. Шундай экан, халқни халқ, миллатни миллат даражасига кўтаридиган унинг она тили ҳисобланади. Тилга эътибор — элга эътибордир. Тилга эътибор даставвал сўзга эътибордан, сўзга муносабат ва ҳурматдан бошланади.

Дарҳақиқат, тил — инсон тақдирини шакллантиради, уни рўёбга чиқаради. Юксак билим эгаси ёки яхши фазилат соҳиби бўлиш мумкин, лекин тил одоби-га риоя қилинмаса, у ҳеч қачон қомил инсон саналмайди. Ширинсуханлик, гапни топиб ва жойида гапириш — олижаноблик аломатидир. Инсонда қалб ҳам, чеҳра ҳам, тил ҳам дилбар бўлмоғи керак. Халқимизда «ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир», деган ажойиб мақол бор. Бу доно нақл бизни доимо сергакликка, эҳтиёткорликка даъват этиб туради.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга Оллоҳ таоло томонидан нозил бўлган Қуръони каримда ҳам тилни тийишлик, камгап бўлишлик ва фиску фасод сўзлардан ўзни йироқ туттишлик мўминлар учун фарздир, дейилади. Ҳаттоки, тил одобига оид ҳадисларда: «Тилини (сўзини) яхшилаган бандага Оллоҳ раҳматини берсин», ёки «Сўзни мажозли гапиришга буюрилдим, чунки сўзни мажозли қилмоқ аҳшидир», деган ўғитлар борлиги инсонларни бир-бирларига ширинсўз ва ҳушмуомала бўлишга чорлаб туради.

Мумтоз адабиётимизнинг забардаст вакилларида бири Аҳмад Югнакий она тилига бўлган оташин муҳаббатини ўзининг «Ҳибат ул-ҳақойик» асарида тўла намоён қилади. У туркий тилнинг имкон ва нафисликларидан унумли фойдала-

ниб, ижодининг катта қисмини туркий тил тараққиётига бахшида этди.

Маълумки, «Ҳибатул ул-ҳақойик» Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асаридан кейин яратилган. Адиб Аҳмад унинг достонидан илҳомланганлиги, шу тўғрисида сўз қўллаш ва қофияларда ўхшашликлар борлиги сезилиб туради. Ҳар икки ижодкор ҳам ўз асарларида тил одоби ва маданиятига доир мақоллардан кенг фойдаланадилар. Зеро, адиб Аҳмад айтганидек, одобнинг боши тил ва тилни тия олишдир. Юсуф Хос Ҳожиб «Қилич яраси тузалур, тил яраси тузалмас» мақолини баъзи ўзгаришлар билан қўллаб, бир байтида ёзади:

Уруб берка боши
бутер тарк сўнар,
Тилин сўкса битмас
аччиғи йилин.

Мазмуни: Таёқ зарбасининг изи тез кетар, тил зарбининг изи узоқ қолажак.

Албатта, тил зарби таёқ зарбидан, захри эса илон захридан ёмондир. Шунинг учун бундан эҳтиёт — ҳамма эҳтиётларнинг асоси деб қаралган. Югнакий худди шу мақолни ишлатишда бир қадар бошқача йўл тутади:

Ўчуктурма эрни тилин
бил бу тил,
Бошқоқ турса бутмас
бутар ўк боши.

Мазмуни: Кишини ўчакиштирма, (унинг) тилини бил, бу тил яраланса (бузилса) тузалмайди, ўқ яраси эса битиб кетади.

Бунда «ўқ яраси» таёқ зарби»га нисбатан тил ярасининг ёмонлигини яна ҳам бўртириб кўрсатади. Юсуф Хос Ҳожиб «Кўл билан ургандан, тил билан урган ёмон», деган ҳақиқатга асосланган бўлса, Югнакийга мақолнинг янада таъсири ва мажозийроқ варианты маъқул келган. Одамларни «тил яраси»дан муҳофаза этишнинг бир чораси, «ўйнаб сўзласа ҳам, ўйлаб сўзлаш»дир. Шу мақсад «Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт» мақолида ҳам ўз аксини топган. «Ҳибат ул-ҳақойик»да шу мақол мазмуни асосида ёзилган бир байтда ўқиймиз:

Ўкиб сўзла сўзни,
эва сўзлама,
Сўзинг кизла кедин,
бошинг кизлама.

Мазмуни: Сўзни уқиб

сўзла, шошиб (беҳуда) гапирма, (кераксиз, ярамас) сўзингни яшир, ярамас гапинг тўғрйли кейин бошингни яшириб юрма. Шунингдек асарда халқона таъбир, ибора ва ҳикматли сўзлардан ҳам самарали фойдаланилган.

Ўзбек тили ва адабиётининг асосчиси, буюк сўз санъаткори ва мутафаккири Алишер Навоий ҳазратларининг буюклиги шундаки, у бутун ижоди давомида ўзбек тилининг бадийида-ушлубий жиҳатларига сайқал берди. Сўз қўллаш борасида ҳам беназир ижодкор сифатида дунёга танилди. Ёзма манбаларда қайд этилишича у ўз асарларида йигирма олти мингдан зиёд сўз қўллашга мувофиқ бўлган. Навоий «Муҳокаматул-луғатайн» асари билан ўзбек тилшунослигига асос солди ва тил масалаларига оид илмий тадқиқот ишларини бошлаб берди. Биз бу ижоддан ўзимизга битмас хазина топамиз. Навоийнинг ўлмас хасинаси асарлар оша авлодларга янги-дан-янги олмос қирраларини очиб бораверади.

Навоийни тушуниш — ўзбек тилини тушуниш, Навоийга ҳурмат эса — ўзбек тилига ҳурмат деб қаралмоғи керак. Шу нуқтаи назардан қараганда биз ўз тилимиз, унинг бойлиги ва софлиги учун ҳаммаша курашиб борсак, ўзимиздан яхши ном ва яхши хотира қолдиришга бурчли эканлигимизни унутмаган бўламиз.

Она тилимизга давлат мақомининг берилиши миллатимиз елкасига теккан офтоб янглиғ абайди, муштакиллик каби улғу ҳодисадир. Ўзбек тилининг давлат тили даражасига кўтарилганига ўн уч йил тўлди. Ўзбек тили жаҳонга ўзининг кўркам жозибасини кўз-кўз қилмоқда. Ҳар йили давлат тили қабул қилинган кунни «тил байрами» сифатида кенг нишонлаб келмоқдамиз. Бу байрам ўз навбатида ҳис қилиш ва ҳис қилдириш байрами бўлиб, юракларимизда она тилимизга нисбатан эзгулик туйғуларини ўстириб боради.

Гулчеҳра ХЎЖАНОВА,
филология фанлари
номзоди

КЕКСАЛАРНИ УЛУҒЛАГАН УЛУҒЛИК ТОПАР



Мустақил Ўзбекистонимизнинг барча гўшаларида қарияларни қадрлаш энг пурҳикмат қадриятларимиздан бирига айланиб қол-

моғига ишончимиз қомил.

Қари билганини пари билмас.

Қари бор уйнинг зари бор.

Қариси бор уйнинг қўрқи бор.

Қарияли уй мактаб.

Қарияда ҳислат кўп.

Қариликни донолик безар.

Қариянг бор — бахтинг бор.

Ота-онанг — ноёб хазинанг.

Катта дарё ҳайқирмас.

Катта дарахнинг сояси

ҳам катта бўлади.

Қариянг бор — бараканг бор.

Кексанинг қарвони йўлда.

Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.

Бобонинг тол эккани,

Ўзига ном эккани.

Қари келса ошга —

ёш келса ишга.

Қари-қари демангиз,

Қарини қуруқ қўймангиз.

Қарига ҳурмат — даврага ҳурмат.

Қариганда қилга ҳам қоқиласан.

Ёшларни Худо сақласа, қарини

овқат сақлайди.

Кексага йўл бер,

ўзинг ҳам қоқиласан.

Кексага кек сақлама.

Қарияларни қафда сақла.

Қарини қари десанг,

қариликдан қарийди.

Отанг қариса қўл қилма,

онанг қариса чўри.

Ёши улўғни улўғлаган

улўғлик топар.

Кексанинг ёшини сўрама,

қилган ишини сўра.

Ота-она дуоси ўтга,

сувга ботирмас.

Онангга бошингни ҳам қил.

Отангга гапингни кам қил.

Фолклоршунос

Мунаввара ЁҚУББЕКОВА

тўплаган

НОУМИД ШАЙТОН

- Мен бир аёл киши билан гаплашмоқчи эдим,- деди кўнғироқ қилаётган аёл. Мен гўшакни ҳамкасбамга узатдим. Улар бироз гаплашган, гўшак яна ўзимга тегди.

- Кечирасиз, сизга айтишга уялиб аёл кишини сўраган эдим,- дея гап бошлади таниш овоз.

- Утган сонда эркаклар хусусида бир мақола берилган экан. Шунинг билан бери телефонга қўлим бориб-бормай бугун дардимни айтишга қарор қилдим. 2 та фарзандим бор. Эрим мени ҳурмат қилади. Оиламизга уруш-жанжал ҳеч оралаган эмас. Лекин эрим билан ўртанишда яқин бир йилдан бери муаммомиз чиқиб қолди.

- Қандай муаммо?

- Сизга айтишга ҳам тилим бормайди. «Шариатда шарм йўқ», дейишди-ку. Сизнинг ҳам оилангиз бўлса керак. Мени тўғри тушунасиз-да.

- Албатта, тортинмай бемалол гапираверинг.

- Қўлимда 8 ойлик қизалоғим бор. Шу фарзандим туғилгандан бери эрим билан бирор маротаба ҳам... Эрим: «Бошқа аёлларга бўламану, сенга ҳеч тортамайди, сени ҳурмат қиламан, лекин жинсий алоқа қилгим келмаса, нима қилай?» деб айтади. Бир танишим: «Эскичага ҳам қаратиб кўринг», деди. Танишимнинг гапига кириб фолбинга бордим. Бир фол кўриши минг сўм экан. У билгимни ушлаб қаердага гапларни гапиради, денг. Мен унга: «Ўзим соппа-согман эрим ҳақида гапириб беринг», десам, эримнинг ҳам соғлигидан гапирапти.

Мен нима дардда-ю, у нималарни гапиради. Охири чидаб туролмадим. «Эримнинг юриш-туришидан, кўнглидан гапиринг», деб очигини айтиб кўя қолдим. У бўлса: «Расми билан яна минг сўм беринг», дейди. Олдинги берган минг сўмим сувга окди-кетди.

«Илоё берган пулимни ёмон кўнунда ишлат», деб ичимада қарға-қарға келдим. Мен эскичага ишонмайман. Шифокорга ҳам даволатиб кўрдик, фойдаси бўлмади. Болаларимни ўйлаб тақдирга тан бериб юрибман.

Нимага шундай экан-а?

- Сизга: «Бошқа аёлларга бўламану, сенга кўнглим тортамайди», деб эрингиз балким баҳона қилаётгандир. Учта фарзанд бўлгунча соппа-соғ эркак бундай бўлиб қолиши мумкин эмас. Яқинда тиббиёт фанлари доктори профессор Эргаш Салимов билан шу хусусда суҳбатлашганим. У кишининг таъкидлашича, 98 фоиз эркак простатит касалига у ёки бу кўринишда чалинади экан. Вақтида даволанмаса вақт ўтиши билан бу касаллик ўз таъсирини ўтказиб, эркак киши умуман жинсий алоқа қилолмай қолиши мумкин эмиш. Эргаш Салимов бир воқеани менга гапириб, шундай дедилар: «Бирда бир эркак хомуш ҳолда хонамга кириб келди. Хотини билан умуман жинсий алоқа қилолмай қолибди. 2 та фарзанди бор экан. Хотини уйдан чиқариб юборибди. Мен унинг руҳини кўтариб, ҳаммаси яхши бўлиб кетади, деб тушунтирдим. У олти марта муолажа олди. Муолажалар ижобий самара берди. Йигит соғайиб, аввалги ҳолига қайтди. Яқинда кўнғироқ қилиб яна уйланиганини айтиб менга миннатдорчилик билдирди. Биринчи хотиникига ҳам бориб турармиш».

Мана синглим, «ноумид шайтон», деб бекорга айтишмаган. Хўжайинингизнинг простатит касали балким ўтиб кетгандир. Хўжайинингиз билан маслаҳатлашиб бизга тагин кўнғироқ қилинг. Биз бажонидил Эргаш Салимовнинг телефон рақамини берамиз.

Биз аёл билан хайрлашдик. Аёлининг нафсониятига тегмасин деб ундан баъзи бир нарсаларни сўрашга истиҳоло қилдим. Жумладан, ўша аёл эрининг кўнглига йўл тополмаётганмики? Шу боисдан эри кўнглини қитқиллайдиган жувонларни кўмсаб, унга қарамаётганмикин, деган гумонларга ҳам бордим. Оиладаги келишмовчилик, рашк, қўйди-чикдиларнинг ҳаммасининг битта — эру хотин бир-бирининг кўнглига йўл тополмаслигида, деб ўйлайман мен. Сиз қандай фикрдасиз? Шундай пайтда нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?

Т. НОРИМОВ

Одатдаги иш кунларининг бирида тахририятимизга бир аёл кўнғироқ қилиб, уни қийнаётган бир муаммо тўғрисида биз билан гаплашмоқчи эканлигини айтди. Ёши 52 да бўлган Сурайё исмига аёл билан бўлган суҳбат бугунги кунда кўнглимизга ота-оналарни ўйлантираётган мавзу фарзанд тарбиясига тааллуқли бўлгани учун, хукмингизга ҳавола қилмоқчимиз.

Ҳамма қатори яхшигина оилам бор. 4 нафар фарзанднинг онасиман. Қизларимнинг иккитаси уйли-жойли, яққало ягона ўғлим ва кенжа қизим биз билан. Турмуш ўртоғим касб-

боламни қийинман, икки ўртада ўзимни-ўзим еб қўйдим. Аммо кеча бўлиб ўтган воқеа ҳаммасидан ҳам оғирроқ тушди...

- Яна бирор ишқал чиқардимки?


- Уйдаги бор тилла тақинчоқларимни ўғирлаб олибди.

- Бу ишни ўғлингиз қилганига ишончингиз қолмади?

- Абдордан бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмади. Ўзидан сўрасам, тониб туриб олди. Кейинги пайтларда қадам олиши ҳам бежо бўлиб қолганди ўзи. Тез-тез пул сўраб, бермасам жанжал қилиб, уйдаги бор нарсаларни ҳовлига отади, оғзидан ҳар хил гаплар чиқиб, мени ҳам аямай

электравтомат йўқолиб қолди. Манзура опа: «Сен олгансан», деб Козимни роса сўроққа тутди. Бирок у ҳам сизнинг ўғлингиздек тониб туриб олди. Онаси ҳам, отаси ҳам ҳеч нарсга дейишмади. Бир неча кун ўтиб оила аъзоларининг ҳаммаси дастурхон бошида ўтиришганда Манзура опа гап бошлади: «Кеча маҳалламиз хотинлари билан турган эдик. Қўшнимиз Захро опа уйдан кимдир кир ювиш машинасининг моторини ечиб кетганлигини айтиб қолди. Мен бир хижолат бўлдим...», - деди. Шу пайт бемалол овқат еяётган Козим бир зум тўхтаб қолди ва

ЎЗИМДАН ЧИҚҚАН БАЛОГА...



корли, обрўли бир ташкилотда ишлайдилар.

- Хавас қилса арзигулик оилангиз бор экан-да? - сўрайман ундан.

- Э, нимасини айтасиз, четдан қараганда шундай, аммо... Мен силаб-сыйлаб ўстирган ўғлим бошимизга жуда кўп кўргуликлар келтирарпти. Битта ўғил деб, «айтгани-айтган, дегани-деган» қилиб катта қилдим. «Егани олди, емагани орқасида» бўлди. Қўлини совуқ сувга урдирмадим, унинг ўрнига ҳам қизларимни ишлатдим. Охир-оқибат у ўзбошимча, гап қайтаридиган, қайсара болага айланди. Хоҳлаган вақтда уйга келади, хоҳламаса келмайди. Уй ишларига, рўзгорига бирорта нафи тегмайди.

- Дадаси танбех бериб, тарбия олмайдиларми?

- Айтиб-айтиб чарчадилар у киши ҳам. Бошида менга: «Кўп эркалама, кейин ўзинга қийин бўлади», деб кўп айтдилар. Вақтида бу гапларнинг маъносига етмабман. Дадаси уришса, тарафини олибман. Энди эса... Дадасининг қон босими бор. Абдорнинг (Ўғлимнинг исми шундай) қилгиликларини бирикки гапирган эдим, мазаси қочиб қолди. У кишини аяйман,

сўқадим.

- Гиёҳвандлик билан шуғулланмайдими, ишқилиб?

- Бир нарсга дея олмайман...

- Ўғлингиз неча ёшда?

- 22да.

- Бирор касб-хунари борми, ишлайдими?

- 9-синфдан кейин мактабга бормадим. Мен ҳам уни мажбурламадим. Атестатни ҳам гаплашиб, тўғирлаб берганман. Кей-

ин қизиқиб ўқиб кетади, деб ўйлабман-да, синглим. Ҳозир ҳеч қаерда ишламайди. Биламан, ўзим уни боқиманда, танти қилиб қўйдим. Энди тушуниб етаяпман... Унга қанча меҳримни берсам, шунчалик меҳрини, қадримга етати, деб ўйлабман. Кечаги воқеадан кейин кўзим очилди...

Энди у уйдаги бор нарсаларни сотиб йўқ қилади. Бир қўли ўргандими, тамом. Уни бу йўлдан қандай қайтаришни билмаяпман.

- Бирор бир кишининг гапига қирадими? Кимдандир хайиқини сезганмисиз?

- Маҳалламиздаги оқсоқоллар келиб уни тартибга олмоқчи бўлишди. Лекин танбех, маслаҳатларининг натижаси бўлмади.

- Энг яқин ўртоғи ким?

- ...Билмасам. Ҳар хил ўртоқлари бор.

- Сурайё опа, гапларингизни эшитиб бир воқеа эсимга тушиб кетди. Талабалик йилларимда Манзура опа деган аёлнинг ишарада турардим. Унинг уч ўғли ва бир қизи бор эди. Кичик ўғли Козим сал эркак, ишдан бўйин товлар турадиган бола эди. Аммо ота-онасини жуда яхши кўрарди. Бир кун Манзура опанинг бошига худди сизникидек иш тушди. Уйда деворга мих қоқадиган

базур ютиниб: «Ойжон, мени кечиринг, ўша кунни уйдан электр автоматни мен олвудим. Жуда пул зарур бўлиб қолвудим. Лекин мен аввал бундай ишни ҳеч қачон қилмаганман, қилмаман ҳам. Биламан, сиз мендан гумонсираясиз. Мени кечиринг, мени кечиринглар!», - деб йиғлаганча Манзура опани қучоқлаб олди. Манзура опа эса бизга қулиб қараб қўйди. Унинг қўшнисиникидан ҳеч нарсга йўқолмаганини, бу гапни унинг ўзи ўйлаб чиқарганини кейинроқ менга айтиб берди. Козим эса шу-шу бекорчи қоришларини бас қилиб, акалари билан автосервисда ишлаш бошлади...

Сурайё опа, нима демоқчилигимни тушуниб турган бўлсангиз керак. Тўғри, фарзанд меҳр кўрса меҳрли бўлади. Бирок, «Асраган кўзга чўп тушар», деган гап бор. Она берадиган меҳр худбинликка бошламаслиги керак. Ўғлингиз учун сиз яшамаслигингиз, аксинча унинг ўзини яшашига, ишлашга, қитоб ўқишу, ҳунарга ўргатишингиз керак. Уйда мих қоқишни, дазвол тузатиш, оёғи синган хонтахтани тўғирлаб қўйишни билмаган бола, кейинчалик катта ҳаётда ўз ўрнини топиб кетаверади. Бирок унча қанча қоқинади, туртингади. Ана шу дамларда: «Ота-онам бошидан ўргатганда шундай бўлмас эди», деб ўқинишлари мумкин. Оилада, айниқса ўғил фарзанд тарбиясида отанинг ўрни бўлиши керак! Фарзандимизнинг қизиқишлари билан ўртоқлашимиз, у билан дўстлашимиз биз ота-оналарнинг вазифамизку? Ўғлингизни тарбиялашда қаерларда хато қилдингиз, қайси чегаралардан чиқдингиз? Бу муаммоларни ҳал қилишга ҳали ҳам кеч эмаслигини унутманг!

Хулқар ХОТАМБОВА

Чоршанбадан чоршанбагача — Кўнғироқларингиз...

ЭРНИНГ ҲУРМАТ-ЭЪТИБОРИ БИР ХАЗИНА

- Тенг-тенги билан бўлсин экан,- дея мақсадга ўтди боядан бери гапни нимадан бошлашни билмай гоҳ кўёвидан, гоҳ қудасидан нуқсон қидираётган аёл телефонда.

- Нима учун? - Аёлининг негадир ўз фикрини ойдирок изҳор этишини истайман.

- Биз асли ўртаҳол оиладанмиз, қудамиз эса бой-бадавлат. Ҳамма гап шундаки, икки гапнинг бирида «паст авлоддансанлар», дермиш қудам. 4 та бола билан энди қизим «ажралмасам бўлмайди», деб ўтирибди. Насихат беравериб айтмаган гапим ҳам қолмади.

- Кечирасиз, қизингизни нимаси ёқмасмиш уларга. Ахир ҳеч нарсга бесабаб бўлмайди-ку. «Бошда қизимнинг изидан кўривман икки йил ўлдим-қўйдим қилиб юрувди, энди

қизим «пуф сассик» бўлиб қолдимми?» дегандингиз. Шу гап рост бўлса, қарс ҳеч қачон бир қўлдан қимаслигини ҳисобга олиб, келишмовчиликнинг илдизини топишга тўғри келади. Мен бир четдаги одамман, қўни-қўшини, маҳалла-қўй билан баҳам-жихат иш тутиб кўрмадингизми? Балки улар жўяли маслаҳат билан бу можарога барҳам беришар. Қизингиз эрини юзидан олгандир, қайнонасига терс жавоб қайтаргандир, улар жahl отига шундан минганмикан-а?

- Билмадим, қизимни кўрсангиз қўй оғзидан чўп олмас даражада ювош ука.

- Энди «Жаҳл чиқса ақл кетади», деган гап бор-ку. Сизга бир воқеани айтиб берай. Чўлда яшаганимизда бир қўшнимиз бор эди. Гаплашсангиз

қимтинибу шу қадар ювош кўринардик, жаҳл чиқса эрини ҳам, қайнонасини ҳам бир пўчоққа жойлаб айоханноз солиб бутун маҳаллани бошига кўтарарди. Мен сизнинг қизингиз ҳам шундайди дермоқчи эмасман. Опа, гапларингизга қараганда қайвони аёл кўринасиз. Ҳар тўқисда бир айб бўлади. Шу арзиман айб тўғрисида 4 болани етим қилиш гуноҳи азим. Қайнонаси «тагин паст» деса дебди-да. Қизингиз оқила аёл бўлса: «Э, қайнонам айтса айтибди-да», десин-да олдида олиб орқасига ташласа ютади. Шу ҳовли-жой, мол-дунё қизингиз, набираларингизга қолади-ку. 4 та болани олдингизга етаклаб борса, эрта бирининг энгиди йўқ, бирининг бошида йўқ бўлиб юрса яхшими?

Ундирган нафақаси болаларнинг ки-

рини ювишга оладиган совунига ҳам етмайди. «Тагин паст» деган гап билан бу кўргиликни таққослаб кўрингчи, осмон билан ерча фарқи бор. Қари одам ёш боладой бўлиб қолади. Ёш болани эса тушуниш керак.

Мендан маслаҳат сўрасангизми, меннинг маслаҳатим шу: қизингиз қайнонасининг асабга тегадиган қилиғини кўриб кўрмасликка, гапини эшитиб эшитмасликка олсин. Тўрт боласининг отасини шу таъби нозик, тили заҳар бўлса-да, шу она тўққанини яхшилаб ўйлаб кўрсин. Онага ёқмаган ишни қилмасин, ёққан ишни ўн ҳисса ошириб бажарсин. Қўрасиз, шунда олдидаги тўрт фарзанднинг орзу хавасида бу кунлар баҳор ёмғирдай ўтади-кетди.

Маслаҳатим: гапни қувманг, сиз ҳам, қизингиз ҳам хазина. Яъни эрнинг ҳурмат, эътиборига йўлиқасиз.

ОЛИМЖОН НУРМАТОВ

АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ ЯХШИДИР

- "Хаммаси тушдагидек бўлди?" деган мақола бўйича келдим. Икки-лангаётганим. Менинг ҳам дардим ичимда, синглим, - деди ҳаяжондан титраётган эркак.

- Майли, келинг бафуржа гаплашайлик. Аввало ўзингизни бир оз босиб олишингиз керак, - дедим юзлари қорайиб кетган зиёлинома бу эркакка.

- Турган гапки, синглим, бу кўргуликларимга ўзим айбдорман. Отам полвон бўлган. Менинг ғулабирдек гавдам ҳам отам раҳматидан ўтган-да. Кишлоқдаги ҳамма қизи бор хонадонлар мендек куёви бўлишни орзу қилишарди. Учинчи курсдами, ёки

тўртинчи курсдами билмайман, бир қизимизнинг туғилган куни бўлди. Мен ҳеч ичмагандим. Бир пайла ароқ ичиб қайғим олиб қоллибди. Ўтириш тугаб уйга кетаётганимизда кимдир: "Аёлларга бормаймизми", деб қолди. Хамма рози бўлди. Мен тайсалладим. Аёллардан қандайдир кўрқардим. Ўртоқларим устимдан қулишди. Кейин боришга рози бўлдим. Хамма бало шу куни рўй берган экан. Хуллас, биз бир уйга бордик. Мен ҳам бир аёлнинг олдида қолдим. Эрталаб эса кетдим. Орадан анча ўтиб ҳарбий комиссариатда бизни текширувдан ўтказишди. Ўзимга ишониб юрардим. Умримда дори ҳам ичмаганман, укол ҳам олмаганман-да. Мени текширишган шифокорлар югуриб қолишди. Дарров алоҳида хонага қақариб, сўроққа тутишди. Хайрон эдим. Маълум бўлишча, энг оғир ва хавфли тери-таносил касаллигига учрабман. Уларнинг қийин-қистови билан ўша аёлниқига шифокорларни олиб бордим. Анчага-ча тери-таносил касалликлари диспансерида ётдим. Бу менга қаттиқ таъсир қилди. Ора-орада бориб даволаниб турардим. Ўқишимни битирган ота-онамнинг розилиги билан ўзим севган, қишлоқнинг энг олди қизига уйландим. Бахтли эдим, лекин Худо бошимга бошқа синовларни солиши этти уқлаб тушимга ҳам қирмаган экан.

- Нима бўлди?

- Бир йилгача фарзанд ҳақида ўйла-

мадик. Бўлар-да, дебмиз. Икки йил, кейин тўрт йил, беш йилгача фарзандимиз бўлмади. Хамма: "Хотинингдан ажраш", дея маслаҳат берарди. Ўзим ҳам шундай қилишим керак, дер эдим. Афсус...

Хотиним айбдор эканлигига ишонибман мен ҳам. Хотиним ақлли, оғир-вазмин аёл эди. У билан йиллар давомида фарзанд кутдик. Бечоранинг бормаган дўхтири қолмади. Бир куни у мени ҳам дўхтирга олиб бор-



моқчи эканлигини айтди. Мен эса тутатқиб кетдим. Лекин, борсам бора-й-чи, дея эрталаб тумандаги шифохонага бирга бориб анализ топширдик. Хуллас, менинг бахтсизлигим шундан сўнг бошланди.

- Нима учун?

- Ўзимни эркакман деб юрaverибман, аммо... Хамма аёб менинг ўзимда экан. Биласизми, мен ўшанда бир марта қилган бемаъни ишим учун ота бўлишдек бахтдан бенасиб бўлган эканман. Ўша мен юктириб олган касаллик пуштимни қуйдириб қул қилибди. Мендан фарзанд туғилмас экан. Уйга келгач, хотинимга ялиндим. Бу сирни ҳеч кимга айтмаслигини ўттидим. Хотиним кўнди. Кексайган ота-онамни ўйлаб эзилдим. Улар мендан, ёлғизгина фарзандларидан набира кўришни шу қадар исташардики... Бу фожеани

кўтара олишмасди. Хотиним, бирор болани асраб олишни илтижо қилди. Рози бўлишдан бўлак иложим йўқ эди.

- Асраб олдингизми?

- Албатта. Лекин, ота-онам қуйиб кетишди. Улар мени яна уйлантир-

моқчи бўлиб уринишарди. Мен эса хоти-

нимга ёмон гапиришмасин, деб уларни ташлаб шахарга қўчиб кетдим. Шўрлик ота-онам қўшниларики қўлида жон беришди. Ўша асраб олган ўғлим сабабли шу ерга келдим, синглим. Биласизми, шахар катта бўлгани билан барибир қинғир ишининг қийғи чиқавераркан. Мен тadbиркорлик қиламан. Бир куни одатдагидек иш билан шошиб кетаётганим. Бир пайт катта йўлда уч-тўртта таскара қизлар билан турган ўғлимга кўзим тушиб қолди. Ўғлимнинг кейинги пайтларда кеч келишининг сабабини энди тушуниб етдим. Мен уни ўқишдан кеч келади, деб ўйлардим. Энди билсам... Агар у ўқишдаги курсдош қизлари билан турган бўлса-ку, тушунардим-а. Лекин у қизларнинг ибб, ҳаёдан йироқлиги яққол кўришиб турарди-да. Бўйинимга оламан. Ота бўлиб йигитчилик, унинг ўзига хос муаммолари ҳақида ўғлим билан бирон марта ҳам гаплашмагандим.

Мени ташвишга солаётгани шундаки, у ҳам аллақачон бедаво касалликлардан бирини юктириб олган ва мендек бахтиқароликка маҳкум бўлса-чи? Ана шуларни ўйлаб ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Ўғлим хафа бўлса ҳам уни олиб бориб текширтиришим керакмикан? Нахоти мен ҳам набиралик бўлиш бахтидан бенасиб бўлиб қолсам? Дунёга келиб армоним ичимда кетавераманми? Энди нима қилай, йўл кўрсатинг. Хайрлашиб кетаётган бу эркак ерга қараганча кетиб борарди. Бу кишининг бир кунлик гуноҳи йиллар оша ундан интиқом олмаётганимикан? Фарзандларимиз тарбияси учун ҳеч бўлмаса қунига бир соат вақт ажратмаслик хатоимизмикан? У аччиқ бўлса-да, бошидан ўтган савдоларни ўғлига айтиши керак, шунда кўнгли тинч бўлади. Сиз нима деган бўлар эдингиз бу эркакка?..

САБИРИ

Кўнгли тўлдими, куёвтўра?



Кўнгли тўлдими, куёвтўра?! Тўйлар ўтиб тафтилар босилгандан кейин куёв-тўранинг яқинлари ана шундай қочариқ қилишди. Табиийки куёвтўра бир нараса дея олмайди. Қизаради-бўзаради, юзларига ним

НИМА ЭКСАНГ ШУНИ ЎРАСАН

табассум юғуради. Ерга қарайди. Бу унинг келинчақдан кўнгли тўлгани. Келинчақнинг унинг олдида юзи ёруғ бўлгани. Аксинча бўлишидан Яратганининг ўзи асрасин.

Лекин "кўнгли тўлиши" шу билан тугамайди. Кўнгли эшиклари эндигина очилган бўлади. Оила қуришдан мақсад уйнаб-қулиш эмас. Чиройли, оқил, доно, эгчил, меҳнатқаш фарзандлар кўриш. Жамийки жонзодлар қатори зурриёт қолдиришдек вазифани адо этиш. Ёш бир жойга боргач, биров қанча бойлигини бор, деб сўрамайди. Қанча фарзанднинг, набиранг бор, деб сўрайди.

Куёвтўра кўнглини тўлдирган келинчақдан энди чиройли зурриётлар кута бошлайди. Ҳаёлидан фақат ерга урса осмонга сачрайдиган, тегирмонга тушса бутун чиқадиган чакмоқдек ўғил, отасига меҳрибон, чиройли, маъсум қиз кечади. Тепса-тебранмас, оғзинг қани деса қулғонини кўрсатадиган, лапашанг, лангавур, қўли эгри фарзандларни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Бундай болалар дунёга қандай келиб қолди: бу ҳақда ҳам бош қотирмайди. Орузли дунё деганларидек ҳаёлот осмонда учиб юради.

Биз шу ўринда: "Хов куёвтўра, осмондан паства тушинг, ҳаёл бошқа, ҳаёт бошқа", дегимиз келади. Донолар: «Нима эксанг шуни ўрасан», дейдилар. Ахир ҳеч қачон ерга бурғой экиб, гуруч қутмаганларку?! Аёл кишининг вужуди бамисол шудгорланган, бўлиғ ер. Оллоҳ таоло уни шундай яратган. Сиз эса, эркакчасига айтса, миришкор дехқонсиз. Ҳа, қанчалик миришкорсиз, ҳамма гап шунда. Миришкор дехқон ерга уруғни қачон экишни билади. Эрта экса совуққа олдиради. Кеч экса ҳосилдан ютказди. Экинни экиб қўйиб дангасалик, алдам-қалдамлик қилса, дехқон фақат ўзини алдайди.

Сизчи-сиз, эй оқил, доно фарзанд орзусида яшаётган куёвтўра, сиз бу масалада қанчалик миришкорсиз?!

Мана бу ҳаёт қулатувларини қулғонигизга қуйиб олинг.

Агар чойхонадаги паловхонтўрадан, ёки гап-гаштак-зиёфатдан кейин, ҳа қорин ниҳоятда тўқ ҳолда келинчаққа яқинлик қилсангизу фарзанд кўрсангиз - билингки, энг дангаса, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юрадиган, ишқмас бола шу бўлади.

Оч қоринга яқинлик қилсангиз чиллашар, инжиқ, касалманд, жағи очик болани қутаверинг. Устига-устак бу бола ўлардек очофат, қизғанчик, ташмачи ҳам бўлади.

Шошқалоқ, чалакам-чатти иш қиладиган, уни-бунга уриб юрадиган ишқалчилар — шошиб қилинган яқинлиқнинг аччиқ мевасидир.

Қўли эгри, ҳаром-харишининг фарқида бормайдиган фарзанд дунёга келса ота нима еб, нима ичганини имтиҳон қилиб кўрсин.

Топганини ичиб, қўча-қўйда гандирақлаб юрадиганларни ўзиданмас, отасидан ўпқаланг. Бу маст ҳолда қилинган яқинлиқдан. Ароқ ва бошқа маст қилувчи исқотилар эркак кишининг қонида қирқ қунгача яшайди. Тавқи-лаънатга қолмай десангиз, қирқ қунгача сабр қилинг.

Соғлом ақилу доно зурриётни дунёга келтириш — туннинг қай пайтида яқинлик қилишга ҳам қўп жиҳатдан боғлиқ, куёвтўра. Бу — эл бир уйқуни олгандаги ҳолатдир. Бу пайтда қозон-товоқлар ҳам, ситир-бузоқлар ҳам, қўча шовқинлари ҳам, қўйингич, олам эркин сўлиш олади. Ўзингиз ҳам тиниққан, турмуш ташвишларини унутган, таранг асаблар бўшаган бўлади. Соқинлик, хотиржамлик Сизга оғир, вазмин, ўйламасдан сўйламайдиган, етти ўлчаб бир кесадаган, иззат ва ҳурматини жойига қўядиган фарзанд ҳада этади. Бунинг устига фарзандингиз соғлом бўлади. Бу қувончу-бойликка нима етсин, куёвтўра, а лаббай?!

Сизга самимий эҳтиром билан, КАТТАБОЖА

ЙИГИТЛАРНИНГ ҲАМ СОЧИДАН Кўнгли тўлсин



"Соч ҳам хусн", деган гапни кўпинча аёлларга тегишли, деб ўйлашади. Ваҳоланки, эркакларнинг ташқи кўриниши, салобати ҳам сочга боғлиқ. Уларда ҳам соч муаммолари бор. Бир пайтлар ёш йигитлар сочларини саватдек қилиб ўстириб юришарди. Бугунга келиб эса сочларини жуда калта қилиб юриш урфга кир-

ган. Сочларни чиройли қилиб кесиш, парвариш қилиш бўйича Тошкент шаҳрида жуда кўп сартарошхоналар ишлаб турибди.

"Ҳозир ёшларимиз орасида қандай сочларни қайси урфда кесиш, қандай косметик ма-

лҳамлардан фойдаланган маъқул?", деган саволимизга жавоб топиш мақсадида "Бахт-Нозир" хусусий корхонаси қоши-

даги сартарошхонанинг устаси Баходир Мирҳўжаев билан суҳбатлашдик.

- Баходир, айтинг-чи, ҳозирги кунда мижозлар соч кесишининг қандай усулларини афзал билишади?

- Кейинги йилларда ўсмирлар, ёш йигитлар ҳамда ўрта ёшли эркакларнинг кўпчилиги калта сочини маъқул кўришмоқда. Бундан 25 йиллар илгари урф бўлган бу соч кесиш яна кенг тарқалапти.

- Сочни қандай кесишни мижозларнинг ўзининг тақлиф этасизми?

- Албатта. Ёшига, семиз ёки озғинлигига қараб кесаман. Маслаҳат

бераман.

- Соч тўқилмаслигининг олдини оладиган муолажалар борми?

- Соч жилоланиб туриши учун мен кўпроқ мусс, геллар, "Элсеф" балзамини ишлатаман. Бундай воситалар сочи сийрак йигитларга қўл келади. Аммо соч кўп тўқилса, уй шароитида қуйидагича малҳам тайёрлашни тавсия этаман. Са-

римсок гўшт май-

далагичдан ўтказилиб бошга обдон суриб уқаланади. Ёки қатикка 100 гр. асал ва 2 дон тухумнинг сариғи ара-лаштирилади. Бошга суриб ярим соат ўраб қўйилади. Бундан соч териси озикланиб, илдири мустаҳкамланади. Соқол олингандан кейин ҳам юзни юмшатиш учун ана шу малҳам яхши фойда беради. Яна бир муолажа: туз-ни олиб 10-15 минут давомида бошингизга уқаланг, сўнг ювиб ташланг.

Сочлар ҳам ҳар хил: қуруқ, ўртача ва ёғли бўлади. Соч ювишда ишлатиладиган воситаларни тўғри танлай билиш ҳам керак.

Табиийки, сочимиз тўзғиб турган бўлса, сўнгги урфдаги либосимиз ҳам кўринмайди. Соч эркакнинг хусни.

Азиз йигитлар, қўчага чиқар экансиз албатта сочингизга аҳамият беринг. Чиройли шаклга келтириб, кейин уйдан чиқинг. Шунда қайфиятингиз аъло, ишингиз ҳам унумли бўлади.

Миробид МИРСОДИКОВ

(Саҳифанинг давоми 8-бетда.)



“Боши берк кўчага қириб қолдим?” — 35 - сон

ЭСЛАТМА: Ёшлигимда Дилфуза исмли киз билан севишиб юрардим. Вақт ўтиб ҳарбий хизматга кетдим. Қайтиб келган, ўзимнинг Дилфузам эмас, бошқа Дилфуза билан учрашиб юрдим ва унга уйландим. Орадан 16 йил ўтган эса, биринчи муҳаббатим — Дилфузани учратиб қолдим. Бир-биримизни кўришимиз билан илк севишимиз аланга олди... Энди нима қилишни билмаяпман...

У.

ХАТОИНГИЗНИ ТАҚРОРЛАМАНГ

Хурматли У, кўполимиз учун сиздан олдиндан узр сўрайман. Аммо шу даражада сиздан нафратланиб кетдимки, кўполлашимдан ўзга чора, йўқ. Сиз биринчи Дилфузани номардлик қилиб ташлаб кетдингизми, демаскикинчиси ҳам сўзсиз ташлаб кета олишингизга кўзим етди. Энди акаганим, сиздан бир илтимос. 16 йил аввалги хатоингизни тақрорламам. Бу билан сиз

лекин ҳеч қандай сабабсиз, қиз сизни 2 йил қутиб бошқа совчиларни рад этса, сиз унга уйланмаган бўлсангиз, бу эр йигитнинг иши эмас.

Хурматли У, биринчи Дилфузангиздан нима сабабдан воз кечдингиз, илтимос, шу ҳақда ёзиб юборинг.

ГАВҲАР

Китоб шахри

БЎЛМАГАНГА БЎЛИШМАНГ

Узоқ Сурхон воҳасилик Тонгули! Саргузаштигини ўқиб, ақлингизга қойил қолдим, чунки дилўртар севишгизга сабабчи бўлган ўша Комронбекни яхшилаб тўзққа илинтирибсиз.

24 ёшингизда ўзингиздан 4 ёш кичик йигитни севиб қолгисиз-а?

Дил изҳорингизда: “Мен илк марта ўзим билмаган ҳолда қаттиқ севиб қолдим... Биз бир-биримизга жуда меҳрибон эдик. Бу меҳрибон эса муҳаббатга айланиб кетишини ҳеч кутмаганим. У мендан бир зум ажралмасди. Мен ҳам унга қаттиқ боғланиб қолдим”, дейсиз-у, айна ҳоқда уни 4 ёш кичиклигини ўйлаб ўзингиздан со-вутмок ниятида бўлганингизни, бунинг устига ота-онаси мутлақо рози бўлмаслигини, рози бўлган тақдирда ҳам ўзи кейинчалик пушаймон қилишини тушу-нтирибсиз.

Бу фикрингиз жуда тўғри, чунки аёл киши одатда эркакларга нисбатан ҳаёт юқини кўпроқ ортмоқлагани: уй ичининг икир-чикирлари, рўзгор ташвишлари, энг муҳими, фарзандлар қуриб уни оёққа турғизиб, тарбиялаш ташвишлари билан тезроқ қарийди.

Умрингизнинг охиригача ўша эркакнингизга мос жўфт бўлиш учун аслида 3-4, ҳатто 5-6 ёш каттароги билан турмуш қурсангиз эрта кунда қаримсиқ бўлиб қолишдан сақланасиз.

Қолаверса, йигитнинг ота-онаси ҳам бундан норози бўлиб ораларингиздаги севи-ги ришталарини кўзи қиймай, тўйингизга рўхсат берса ҳам, тўйдан сўнг турлича салбий фикрлар келиб чиқishi, кўнгил-сизлиқлар рўй бериши табиий эди.

Тонгули, сиз исмингизга муносиб на-фис, ўйлаб иш қиладиган, анчагина муло-ҳазали, яхши тарбия толган қизга ўхшай-сиз: “Бирор кун йўқ-ки, у телефон қилма-са. Бир неча марта уйимизга ҳам келмоқ-чи бўлди. Бунга йўл қўймадим. Сабаби, ота-онамдан уламдан. Ахир улар мени шу ниятда ўстириб, ўқитдимми?” дейишингиз-дан ҳам бу сезилиб турибди.

Ачинарли томони шундаки, сиз унинг севиши сохта эканлигини телефонда дўстингизга рўпарў қилиб: “Худо урсин, яхши кўрганам йўқ”, деган касанини ўз

«Ишончим сўнган бўлса-да» — 40-сон

ЭСЛАТМА: Ўзимдан тўрт ёш кичик бир йигитни севиб қолдим. Бир-биримизга жуда меҳрибон эдик. Мен нотўғри қилаётганимни англаб турсам ҳам, уни унуттиш учун ўзим-да куч топа олмадим... Лекин у севишнинг синовида ўта олмади. Ўзини танитмаган дугонамга теле-фон орқали «Севган қизим йўқ» - деб қасам ичди. Ишончимни йўқотган бўлса-да, уни юрагимдан ўчириб ташлаёлмапман...

ТОНГУЛИ

қулоғингиз билан (бошқа гўшақ-дан) эшитибсиз ва ички тугён билан: “Кўзимдан ёшим шашқ-атор окди, юрагим чил-чил синди. Бундай бўлишини кутмаган-дим”, - дея зорланибсиз. Шун-дай бўлгани ҳолда яна муҳлислардан нима қилиш ҳақида маслаҳат сўрабсиз.

Халқ орасида: “Синган кўнгилни чегалаб бўлмас” мақоли бежиз айтилмаган бўлса керак. Шундай шумшук гапларни теле-фонда эшитиб туриб ҳам яна унга дилин-гиз чопса ёки раҳмингиз келса, билмадим бундан кейин нима бўлади.

Садқаи одам кетсин ўша Комронбек ўзи-ни оқламакчи бўлмай.

Инсонда хоҳ аёл, хоҳ эркак бўлсин ори-ят, гурур деган фазилатлар бўлади. Комронбекнинг телефондаги гаплари нафсо-ниятингизга теғмаган, қизлик гурурингиз-ни топтамаган бўлса...

Сизга маслаҳатим: юрагингиздаги сўна бошлаган орзуларни қалбингиздан қувишда вақтдан фойдаланинг, вақт энг яхши даво.

Ўзингизни меҳнат фронтга урингиз-да, чин бахт келишини кутинг, ақл-заковат билан иш тутинг, бўлмаганга бўлишманг. Бахтингиз ўзи ҳали сизни излаб келади!

Қанийди Комронбекка ўхшаган қатъий-сиз, субустиз, севишни оёқ ости қилувчи йигитлар ўйлаб иш қилишса, элимиздаги Тонгулидек қизларимизнинг қўй ёшлари тўқилмасиди. Сизга Оллоҳдан сабр-тоқат, чин бахт насиб этишини тилаб қолувчи

Афифа ҲАСАН қизи

Акс-сало

МЕНГА ҚОЛСА...

“Қариндош бўлсак ҳам” — 38 - сон

ЭСЛАТМА: Д. исмли йигит билан бир-биримизни севадим. Бирок онам бизнинг муҳаббатимизга қаршилар. Сабаби Д. амманнинг ўғли. «Қариндошга қиз бериб бўлмайди», дейдилар онам. Лекин Д. сиз менга бу дунё қоронғу... ГУЛНОЗА

Синглим Гулноза, сизни илк бағоят ёшидаги қадамингиз бу. Ҳозир сиз Д. ни, у эса сизни севиб, севилиб юриб-

сизлар. Ҳаёт сиз ўйлаганчалик осон эмас. Ўша Д. билан турмуш қурдин-гиз ҳам дейлик, шубҳасиз кейин бо-лали ҳам бўласизлар. Агар болангиз ногирон бўлиб туғилса, кейинги ҳаёт-ларингиз қандай кечади?

Менга қолса бошқа кишига турмуш-га чиққанингиз маъқулмиди. Агар Д. билан турмуш қурамиз деб қатъий қарорга келган бўлсангиз унда ал-батта тиббий қўриқдан ўтишларингиз керак. Эҳтиёт шарт-да. Сиз ҳар қандай йўл тутганингизда ҳам, сиз-га бахт тилайман.

Хусния ҲАСАНОВА

Бухоро вилояти,
Пешку тумани

У СИРИНИ ҲЕЧ КИМГА АЙТМАДИ

“Кўнгил ҳасратга тўлганда” — 38 - сон

ЭСЛАТМА: Қизимиз Дилнавоз айна 16 ёшида вафот этди. Уйда унинг сарпо тўла сандиқ-лари-ю, қалбимизда ушалмаган орзу ҳавасларимиз қолди... Хотинимни ҳеч қолатолмайман. Ёзиллавериб адо бўлди... Қани энди ҳасратга тўлган кўнгли-мизга бир таскин бўлса... ДИЛНАВОЗ

ўзи ҳеч нарса демасди. Шифохо-нада шифо топа олмай қийналиб кетди. Ҳар куни қон қуйишар экан. Дадаси Тошкентдаги ши-фокорларга олиб боради. Улар му-олажаларнинг бефойдаллигини, ўғлининг умри охишлаб қолгани-ни оғир бўлса-да айтишади. Ота шўрлик “Чиқмаган жондан умид”, деб кўрсатмаган шифокори қол-майди. Ўғли умрининг охириги кунларини яшаётганини билиб юрак-бағри эзилади. Ўғлининг эса кундан кунга иштаҳаси йўқо-либ, кўриниши ҳам кўркинчли тусга кириб боради. Ота-онаси унинг кўнгли нимани тусаса олиб келаверди. Лекин озгина еяр-емас ётиб қолар, ҳаттоки ол-дига ҳеч кимни киритмасдан пар-да ортиндан гаплашарди. Синфдо-шим кўп гапира олмас, тезда ҳол-дан тояр эди. Ўлимидан бир кун олдин буваси: Ўғлим, сенга нима бўлди? Ким сени бу ахволга ту-ширди десалар, “Буважон, бари-бир ҳеч нарса қилолмайсизлар”, - деб эртасига, 26 июн куни она-сининг қўлида жон беради.

Буни ёзаётганимда синфдошим, ўша даврлар бирма-бир кўз олдим-дан ўтаверди. Яхшиямки видеокас-сетада битириш оқшомимиз муҳр-ланган. Шунақангиз хурсанд бўлиб тушганди, раҳматлик синфдошим. Минг афсуски, у энди тушга айлан-ди. На чора, унинг ота-онасига саб-ру тоқат тилайман.

С.

Гулчеҳраҳоннинг ахволи-ни тушундим. Дониёр 16 ёшга тўлибди. Унга илаш-ган дарах ҳам вужудидан му-стаҳкам ўрин олган экан. Бу дар-дандал халос қилиш фақат яратган-нинг қўлида. Ойлангизда дард-манд фарзанд борлиги, бу ҳам Яратганнинг хоҳиши. Инсоннинг иродаси метин, бундай синовлар-га дош бера олади. Бу ҳақда ўйлабверган, қайғураверган билан яхши бўлиб қолмайди. Тақ-дирга тан бермоқ керак. Қолган фарзандларнинг бахти, иқболи, қамолти учун кўпроқ эътибор ва ғамхўрлик қилиш даркор.

Мен руҳий амалиётчи сифати-да мана шундай ногирон болалар тарбиялаётган оилаларда ҳам кўп бўлганман. Шунинг учун ҳам ка-саллигини илдири, келиб чиқи-ши мени қизиқтиради. Гулчеҳ-

БОЛАЛАРИНГИЗНИНГ БАХТИНИ КЎРИНГ

«Ойлангизга шодлик тилаймиз» — 37-сон

ЭСЛАТМА: Ўғлим Дониёрбек мажруҳ бўлиб, эрим иккимиз бор меҳримизни шу болаимизга бағишладик. Аммо кейинги фарзандларимиз ҳам улғайиб қолишди. Соғлом фарзандларимизнинг ҳаётига ёрдам бериш учун Дониёрни вақтинча мажруҳлар интернатида бер-сакмикан? Чунки унинг касаллигини на-слий касаллик деб, қизларимга совчилар келмай қоли-ши ҳам мумкин.



ГУЛЧЕХРА

раҳонинг айтишларича, бола со-ғлом туғилган. Шифокорлар Дони-ёрнинг касаллигини аниқлашга вақт ўтиб кетибди. “Уни чақалоқ-

хизматидан норози. Уларнинг совуққонлиги туфайли болам шундай ногирон бўлиб қол-ган, деб ҳисоблайди. Чиндан ҳам шундайдир. Ҳамширалар бо-лани кўлдан тушириб қўйишган-ми? Шунинг учун мияси лат еган-ми? Бизда мия жароҳлиги ривож-ланган-ку. Шифокорлар айтгани-дай чақалоқлигида даволанганда бола соғайиб кетган бўлармиди?

Гулчеҳраҳон, сиз ўғлингиз ҳақида: “Шўрлик ўғлингиз бу дунё-га қандай келганини ҳам, қандай яшаётганини ҳам билмайди”, дей-ишингизга қараганда у на гапира-ди, на эшитида, на юра олади. Оллоҳ ўзи шифо берсин! Чиндан ҳам Дониёр чақалоқлигида ҳамши-ра кўлидан тушиб кетган бўлса, бунинг эҳтиётсизлиги, деб оқлаб бўлмайди. Бегуноҳ болани бундай ногирон бўлиб қолишига сабаб

бўлгани учун Оллоҳнинг ҳам жа-зоси бор.

Гулчеҳраҳон! Сизга, турмуш ўртоғингизга Оллоҳ ирода, сабр тоқат ато этсин. Жигарбандингиз Дониёр ҳам Оллоҳ берган умри-ни яшайди, “Савоб ишни охи-ригача қил”, дейишган. Аммо қизларингиз бахти масаласи ҳозир сиз учун муҳим. Совчилар тўғри тушунишлари керак. Қиз-ларингиз албатта бахтли бўлиша-ди. Тенги чиқса узатинг.

Мулоҳазаларим билан дардин-гизни тимдалаган бўлсам, яна бир бор узр. Бошқа болаларин-гиз бахти учун эр-хотин ўзларин-гизни асранг. Баъзи масалалар-да совуққон, бедарқроқ бўлинг. Вақт олий ҳакам. Ҳаммаси жойи-га тушиб кетади.

Мўмин ХОЛМУРОДОВ
Қарши шахри



Хурматли дадажонимиз Махмуд ГАЛАЕВ!

Сизни таваллуд айёмингиз билан табриклаймиз. Сизга узок умр, бахту-саодат, соғлиқ тилаймиз. Туйларимизга бош бўлиб юринг.

Турмуш ўртоғингиз ва фарзандларингиз

Хурматли дўстим Зиёвуддин НУРМАТОВ!

Сизни 30 ёшга тўлишингиз билан табриклайман. Ишларингизга омад, оилангизга хотиржамлик ва бахту-саодат тилайман.

Дўстингиз Наби Ниёзмухаммедов

Уйимда яшаш учун аёл кишини таклиф этаман. Тел: 64-88-33 (17-21)

Катта ҳайит тортлари. Келин шакли билан. Этажеркаларда. Тел: 76-37-49, 116-01-01

ОИЛА- 25

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, ўз шахсий уй-жойига эга бўлган, ёши улуғ бўлса-да, бардам-бақувват, Самарқанд вилоятида яшовчи 80 ёшли отахон, 50-60 ёшлардаги (уй-жойсиз, фарзанд-

сиз бўлса ҳам майли) аёл билан оила қуришни истайди. Отахоннинг фарзандлари ўз отасидан меҳру-муҳаббатини, ҳамда ширин каломини аямаган аёлни умрининг охиригача ўз қарамоғларига олишади.

ҚИЗИМ ОТА МЕХРИГА ЗОР

Ёшим 27 да. Бир қизчам билан ажрашганман. Тошкент шаҳрида яшайдиган, олий маълумотли, бирор касбини мутахассиси, ёши 30-40дан ошмаган, ўз уй-жойига эга бўлган, ёмон иллатлардан холи, қизчамга

оталик меҳрини бера оладиган инсон билан бахтли оила қурмоқчиман.

Аёли вафот қилган 1 та боласи бўлса ёки умуман боласиз бўлса ҳам розиман.

ҲАКИМАХОН

Қайда ўзи ўша бахт?

ОНАСИ ЎПМАГАН ҚИЗ...

Тўй қизигандан қизиди. Келган меҳмонларнинг ҳисобига етиб бўлмайди. Базм дастурхонига қўйилган ноз-неъматлар-у, келтирилган совға-саломларнинг қўрган кишини ҳуши бошидан учарди.

Каримжон қизни тўйга қадар икки бор кўрди, ҳолос. Дадасининг айтишича, қайси бир вазирликда хизмат қиладиган қайнотаси ўзининг ўн етти баҳорни қарши олаётган онаси ўпмаган (?) қизни уларнинг хонадонларига бекаликка раво кўрибди. Тўйдан икки-уч ҳафта аввал яқиндагина таъмирдан чиққан ўн икки хонали уйларни қуда томонидан хорижий мебеллар билан жиҳозланиб кетилди.

Бугун тонгда Каримжон онасини холи топиб сўз қотди.

- Ойижон, негадир юрагим ғаш!
- Ундай дема, жон болам! - барибир она эмасми, ўглининг руҳиятини тушуниб, қўшиб қўйди. - Дадангнинг раъйини ҳеч ким қайтара олмайди-да, болам!
- Келин бўлиши менга ёқмади-ку, ойижон. Қандай оила қураман?
- Энди кеч. Бу ишларни ҳаммаси дадангнинг мартабаси билан боғлиқ...

Она бошқа гап айтмади. Чиндан ҳам энди ҳаммаси бефойда эди. Каримжон ноилоҳ ўзини қўлиб турган қуёв жўралар томон юрди. Бахт уйида бўлғуси қайлиғи бармоқларига тилло узук такаётган йигит бу ўн етти ёшли жанона унинг қаршисида навниҳолдек титраб турганини эмас, безрайиб қараб турганини кўриб, юраги оққасига тортиб кетди.

Тўй оқшоми Каримжоннинг дадаси ке-

лин-қуёв олдига икки тахлам икки юз сўмлик пул қўйиб, "Саргардонга" деб кетди. Буни кўрган келиннинг ғазабдан ранги ўчиб, дугонасини киргиздириб, онасидан минг сўмлик пуллар, эллик-юзталик долларлар олдириди. Бундан қуёв боланинг фиғони фалакка чиқди. Аммо ўзини босиб ўтирди. Базм охирида қолганда "Саргардон"нинг қўлпигидан оғзи қулоғига етиб, эси оғиб қолаётган бошловчи йигит даврага келин-қуёвни таклиф этди. Даврада қуёвга ҳам эътибор бермай, завқ билан хиром этаётган келин-чак тўлғаниб қолган пулларни боши узра сочиб юборди. Шу пайт бир нарсга жаранглаб кетди. Тўйхонадаги ҳамма болалар сочилган пулларга ўзини уришди.

Рақс тугаб, ўз жойига қайтган келинчакнинг бармоқлари бўм-бўш эди. Каримжоннинг юраги баттар ғашланди. Ҳамма бирдан чувиллаб, узук излашга тутинди, аммо олмос қўли тилла узук топилмади...

- Нега номусингни сақламагасан, Нигора? Бу қилмишингни даданг биладимми?!
- Албатта, фақат мени эмас, сизнинг дадангиз ҳам билади. Даданинг шунча сарф-харажатларининг боиси нима эди, деб уйламадингизми?!

Каримжон илгакда турган костюмини олиб ташқарига шахт билан чиқиб кетаётганида уни дадаси тўхтатди:

- Карим, қайт орангга, ишимни белига тепма! Худо хоҳласа, янги лавозимга ўтиб олсам, сенга яна ўн та онаси ўпмаган қизни олиб бераман!

Каримжон алам, ўкинч тўла қўзларини дадасининг жирканч нигоҳига қадади. Шу тобда меҳрибон деб ўйлаган дадаси аллақандай махлукдай кўринди...

Умид ЯЎЛЧИЕВА

«ЎКТАМХОН» ўқув маркази ўқишга таклиф этади: (ўқишга ҳар кунда, ҳар ойда қабул қилинади)

1. Бичиш-тикиш - 3 ой; бошловчилар учун - 6 ой. Бунда сиз 100 дан ортиқ замонавий либослар, костюм-шим, бешик усти жиҳозларини бичиш-тикишни моделлаштиришни ўргана-сиз. 2. Компьютер сабоқлари - 2 ой (якка тартибда), (Windows 2000 Microsoft office-word, excel, paint). 3. Ҳамишарлик - 6 ой. 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт машғулотлари ўтилади; 4. Қаштачилик - 3 ой, машинада тикиш - 3 ой; 5. Зардўлик (бухороча) - 3 ой;

6. Сартарошлик - 3 ой (амалиёт билан), эркаклар учун - 2 ой; 7. Массаж (амалиёт билан) - 2 ой. 8. Торт ва турли хил пишириқлар - 2 ой. 6.Инглиз тили - 3 ой; 9. Парда ва ғажравлар тикиш - 1 ой.

Ўқишни тугатганларга диплом берилади. Лиц: № 587

Манзил: Метронинг Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори оркасида. Тел: 121-77-72 (соат 8 дан 17 гача), 125-46-27, 125-97-93 (кеч соат 17 дан 22 гача).

«ЗУККО» фирмаси ўқув маркази Сизларни замонавий касбларни ўргатадиган турли ўқишларга ТАКЛИФ ЭТАДИ

1 ойлик: - Тижорат ва озиқ-овқат дўконлари учун сотувчилар. Бир ойга 6000 сўм. Компьютерчилик - 10 000 сўм (Windows 2000 Microsoft office-word, excel, paint). 2 ойлик: - Вешивка - 5000 сўм. Ҳар хил торт, салатлар тайёрлаш. Бир ойга 5000 сўм. - Сартарошлик. Бир ойга 5000 сўм. - Массаж (умумий). Бир ойга 5000 сўм. - Уй ҳамшираси. Бир ойга 5000 сўм.

3 ойлик: - Бичиш-тикиш. Бир ойга 5000 сўм. - Инглиз тили (бошловчилар учун). Бир ойга 5000 сўм. - Акушерлик. Бир ойга 5000 сўм. - Теле-радио усталари. Бир ойга 5000 сўм.

Энг замонавий усулларда "Элита" пардалари ва чой-шабларни тикиш. Бир ойга 5000 сўм.

Ўқишни битирганларга диплом ва гувоҳнома берилади. Виллоятдан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар. Фирма сифатли ўқитишга қафолат беради. Ҳамма ўқишлар амалиёт билан.

2-Манзил: Юнусобод тумани, «Қозоғистон» кинотеатри биноси ичиди. Тел: 35-10-36

Газетамизнинг ўтган 43-сонидидаги «Ҳаммаси тушдагидек бўлди» мақоласининг автори Тему Рўзиматов эмас, Тоҳир Норимов деб тузатиб ўқилсин.

Тахририят йўл қўйилган камчилик учун Тему Рўзиматовдан узр сўрайди.

«ДИЛОРОМ» ўқув маркази қуйидаги курсларга таклиф қилади:

2 ойлик: - Компьютер билимлари: (Windows-98; MS Office; Internet - E-mail); - Компьютерларни ростлаш ва модернизациялаш; - Замонавий бухгалтерия ҳисоби; - Замонавий пардалар ва чойшаблар тикиш ("Элита" усулида).

3 ойлик: - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер таълими; - Инглиз тили, видео-аудио материаллар ёрдамида (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун); - Тикиш-бичиш, моделлаштириш (енгил ва устки кийимлар). Битирувчиларга диплом-сертификат берилади.

Манзил: Абдулла Кодирий кўчаси, 13-уй, 2-қават, 55-хона. Мўлжал: Метронинг «Алишер Навоий» бекати, Стоматология поликлиникаси ёнида. Тел: 144-03-25, 144-92-39, 22-59-55

УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҲОЗИЕВИЧ

ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОФРИГАН қуёғи бўш 10 ёшдан ошган ўғил ва ҚИЗ болаларни БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.

Буйрак, қуёғ, простата беги касалликларини аниқлайди ва ДАВОЛАЙДИ. Қабул вақти сешанба, чоршанба, пайшанба, якшанба кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача.

Манзил: Тошкент тумани, Генерал Собир Раҳимов номи жамоа ҳўжаллиги, Бобоев кўчаси, 12-уй. «Чорсу» шоҳбекатидан 464, 469,522-автотубусларнинг "Генерал Собир Раҳимов" бекатига қараб борилади. Телефон: 8 296 56023. Лицензия рақами 3271

РЕСПУБЛИКА «ОИЛА» ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ҚОШИДАГИ «ОИЛА ЗИЙНАТИ» МАРКАЗИ

Қизларни ва келинчақларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида қуйидаги ўқув курсларни ташкил этди:

2 ойлик: - Бичиш-тикиш (тезкор гуруҳ). - "Элита" усулида пардалар, чойшаблар тикиш, бир ойга - 4000 сўм. - Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш, бир ойга - 4000 сўм. - Компьютер билимлари, (Windows-98) бир ойга - 5000 сўм. - Массаж (амалиёт билан) бир ойга - 4000 сўм. - Оқшом либосларини безаш, бир ойга - 4000 сўм. - Машинада гул тикиш, (вешивка) бир ойга - 4000 сўм. - Косметология, бир ойга - 5000 сўм.

3 ойлик: - Зардўлик, (Бухороча) бир ойга - 4000 сўм. - Кўрпа-кўрпача тўн ва бешик асбобларини тикиш - 4000 сўм. - Инглиз тили, бир ойга - 4000 сўм.

4 ойлик: - Бичиш-тикиш (бошловчилар учун). - Сартарошлик. - Бичиш-тикиш (бурда моден буйча).

Машғулотлар амалиёт билан бирга олиб борилади. Кам таъминланган оила фарзандларига чегирмалар бор.

Битирувчиларга диплом-сертификат берилади.

1. Манзил: Фуркат кўчаси, 1-уй. Спорт кўмитаси биноси ёнида, 4-қават, 410-хона. Телефонлар: 45-18-68, 29-28-58.

Мўлжал: метронинг "Халқлар Дўстиги" бекати.

2. Манзил: Миробод тумани Олтин кўл 2-тор кўча Кора сув маҳалла идораси, мўлжал Ривсий бозор, «Узямасомол-торг». Тел: 191-78-02.

3. Манзил: Кора-Қамчи даҳаси 2/3 31-уй, 56-хонадон. Тел: 29-28-58.

«КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР» ўқув маркази таклиф қилади.

3 ойлик курслар:

- Инглиз тили, - Инглиз тили ва компьютер, - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билимлари, - Банк иши ва компьютер билимлари, - Теле-радио-видео апаратураларини таъмирлаш устаси, - Рус тили, - Компьютерларни таъмирлаш услуси.

2 ойлик курслар:

- Компьютер билимлари: (Windows-2000, Ms Office) INTERNET, E-MAIL. - Бухгалтерия ҳисоби, - Енгил автомобилларни электр қисмини сошлаш. 1-С Бухгалтерия дастури — 1 ойлик. - Компютер, принтер, телевизор таъмирлаймиз.

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 41-07-82

Инглиз тилини сифатли ўргатаман. Тел: 76-62-78

Хурматли юртдошлар! Газета чоп этишдаги баъзи муаммоларни ҳисобга олиб бундан кейин газетамиз ҳафтанинг ҳар душанба кунини чоп этилади ва сотувга чиқарилади.

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» газетасининг обуна нархлари 2003 йил учун

Вилоятлар	3-ойлик	6-ойлик	12-ойлик
Андижон	3747,78	7495,56	14991,12
Бухоро	4002	8004	16008
Қорақалпоғистон	4172,94	8345,88	16691,76
Қашқадрё	4078,56	8157,12	16314,24
Наманган	3788,34	7576,68	15153,36
Самарқанд	4062,75	8125,5	16251
Сурхондарё	4121,85	8243,7	16487,4
Тошкент вил.	3660,12	7320,24	14640,48
Фарғона	3748,44	7496,88	14993,76
Хоразм	4119	8238	16476
Тошкент ш.	3647,01	7294,02	14588,04
Сирдарё	4073,49	8146,98	16293,96
Жиззах	3851,01	7702,02	15404,04
Навоий	4129,14	8258,28	16516,56

“ТАҚДИРИ АЗАЛ”, ДЕГАНЛАРИ ШУМИКАН?..

Яқинда дугонан вилоят судига ишга ўтди. Шу томондаги хизмат сафаридан қайтаётган, уни қўриб кетиш учун кириб ўтдим. Суд жараёни кетма-кет ўтди, кутушга тўри келди. Ташқарида қимматлиқлар кутиб турган одамлар орасидан ўтиб кетма-кет ўриндиқча бориб ўтирдим. Ёши тахминан 28-30 лардаги, келишган, бироқ юзлари сўлгин, кўзлари йиғидан қизариб кетган, ўйчан ҳолатда ўтирган аёл эътиборимни тортди. Аёл билан суҳбатлашди илтифат, гапни нимадан бошлашни билмай соатни сўрадим.

- Соатим... тўхтаб қолибди... - қўлига бир қараб олиб жавоб берди у.
- Бирон иш билан келувингизми, синглим?.. Хафороқ қўринасиз?.. савол беришга бердим “ярасини янгилаб қўйадимми”, деб хижолат бўлдим.

- Ҳа, турмуш ўртоғим қамалиб қолдилар...

- Нега... Нима билан тушдилар? - қизикдим мен.

- Гиёҳвандлик моддаси билан...

- Қанчага кетди?..

- Саволим жавобсиз қолди.

Шундоқ ҳам дарди дунёга сиймай турган аёлнинг дилини оғритиб қўймаслик мақсадида бошқа савол беришдан ўзимни тийдим. Бир оз ўтгач унинг ўзи чўқур энтиқиб билан гап бошлади.

- Кекса ота- онам Андижоннинг чека қишлоқларидан бирида туради. Тошкентга келиб олийгоҳлардан бирида ўқиб юрган кезларим бир мутахамнинг қўлига тушиб, унга турмушга чиқдим. У билан кечган ўн йиллик турмушим фақат азоб-ўқибат, жанжал ва калтак ёйиш билан ўтди. Болаларимни ўз отасидан айирмаслик мақсадида тош келса кемирдим, сув келса симирдим. Ён атрофимдаги катталарнинг: “Юк кўтарган юзга қичкади”, “Сабр қилсанг ёўрадан ҳолва битади”, дея юпатишларига ишондим. Лекин, кун келдики, соғлигим ёмонлашиб қайнона ва зolim эр зугумларига дош бера олмади қолдим. “Тоғим” деб ишонганларим — қайнона ва эр олиб кирган остонадан осмон қадар буюк орзуларга тўла юрагим ярим бўлиб қайтди. Айни гуллаб яшнар ёшимда бу дунёнинг сахро деб аталмиш сўқмоқлариди, икки қўлимда икки гўдагим билан қолиб кетдим. Орият ортга қайтишга йўл бермади. Она Андижонидан олис юртда ўз кунимни ўзим қўриб яшай бошладим. Ижара уйда яшаш, рўзгор деб аталмиш аравани ёлғиз тортиш аёл бошимга оғирлик қилди. Кекса ота-онамни аяб бошимга тушган савдоларни деярли билдирмас эдим. Орадан бир йил ўтгач, ишонкамдагилар менга ўзимдан 12 ёш катта бўлган яхши бир инсонни рўпара қилишди. “Ёғочнинг бўшини қурт ейди доим”, деганларидек, бу инсон ҳам ўта кўнгли бўш ва андишалилик орқасидан худди ўзим каби қўқилган кимса эди.

Биз Қодир ака билан турмуш қурдик. Бизга ҳамма хавас билан қарарди. Қодир ака ҳам хиёнаткор хотинга уй-жойларини ташлаб чиққан экан... Биз ижара уйда яшай бош-

ладик. Тақдир ўйин қилганми, улар савдо-сотик учун қилинган Россия сафаридан беш минг АҚШ долларига тенг қарз ботқоғига ботган эдилар. “Қарздан қутулиш мумкин. Мол-дунё ҳам топиладиган нарсаси, лекин Қодир акадек инсонларни топиш қийин”, деб фикр қилдим. - Суҳбатдошим чўқур тин олиб кўзларидан оқаётган ёшларини артди.

Мен нима дейишни билмай жимгина кулоқ тутардим. Уни юпатишга ожиз эдим... Нима деб юпатишни билмасдим ҳам... Аёл кўнгли тўла дард эди...

- Оқ гиштли дангиллама уйларни, дуру гавхарларни, қазим-қартаю кўй гиштини орзу қилмай, бориға шўқур қилиб, ҳалол яшамоқлик захматини барча лаззатлардан афзал қўриб тинчгина яшаётган кўнларимизнинг бирида қарз эгалари эримни сўраб келишди. Улар узок суҳбатлашди. Эртасига: “Сен хавотир олма, мен келаман, болаларга қара...” деб мени тинчлантириб йўл сафарига кетдилар. Кўнглим ниманидир сезгандек гап бўлди...

Ҳаёт турфа ранг экан. Бу дунё синонларидан ўтиш учун келган бандасининг оёқлари остида тузоқлар кўп учаркан. Бу тузоқ фақат оёққа эмас, қўлга ҳам кишан солиб қўйиши мумкин экан.

Қодир аканинг тақдир ёзуғига қорадори савдоси билан шуғулланувчи бир разил кимсанинг гуноҳига шерик бўлиб қолиш битилган экан... Қарзининг охириги қолган қисмидан қутилиш чораси уларни шу қўлга солиб қўйганини суд залида тушуниб етдим. Лекин... энди кеч эди... Ни-хоят ҳукм ўқилди... Улар... Улар 17 йилга озодликдан маҳрум этилдилар...

“Бандаси етдим” деганда йўқилмасин экан. Ҳаёт бизни бир йилгина бошимизни силади.

Йилларнинг бешафқат панжалари остида шунча йиллик айрилиқдан омон-эсон ўтиб яна бирга яшарканмизми?.. Бошланасизлик ва болалар ташвишини ёлғиз қўтариб боришда бағримнинг бутун бўлаги қолармикан?..

Мен... Мен унга нима деб тасалли беришни билмасдим. Фақат: “Сабр қилинг синглим, буни пешона дейдилар”, дея олдим, холос. Шу дамда, шу ҳолатда менинг тилимга ҳеч қандай сўз келмас эди.

Уйга келиб эртасига, индинига ҳам шу аёл ҳақида ўйладим. Уйлайману, уйларимнинг охири йўқ, Унинг бошига тушган оғир кулфат тоши менинг ҳам елкамни босиб тургандай. Бева-лиқнинг тахир ошидан безган бу аёл бошига 17 йил ичида яна не савдолар тушиши мумкин?..

Бу дунёга қип-ялғон ҳолда келамиз, икки кулоқ сурп билан кетамиз. Шу келиш-келиш орасида не синонларни кўраимиз. “Тақдири азал” деганлари шумикан?.. Ростдан ҳам буни пешона дейдиларми?..

Инсон боласига хос бўлган энг покиза туйғуларнинг барчасига эга бўлган бу аёлга сиз нима деб тасалли берган бўлардингиз?

Одина ЭРГАШЕВА

Тошкент шахри

Деворлари нураган, бўёқларининг охори анча нурсизланган бу уй бир пайтлар кўнанинг энг салобатли ва кўркам биноларидан бири бўлган. Унинг ҳозирги кўриниши беаёв денгиз тўқинлариди ва шиддатли бўронлардан тинкаси қуриган кеманинг чўкаётган ҳолатини эслатади. Анчадан буён артиб тозаланган деразалари катта йўлга аянчли илтижо билан боқиб тургандай туюлади. Хира деразалар ортига синчиклаб назар ташласак, уйдан-да ночор аҳволда яшайдиган хориб-толган, охириги умид билан йўлга тикилган қарияни кўраимиз. Хонадон соҳибининг сўлгинлик тўлик эгаллаган юз-кўзлари, турмуш-ташвишлари эрта махв этган вужуди — кўзлаган манзилга етолмай йўлини йўқотган, оқибатда кимсасиз нотаниш оролга тушиб қолган кема дарғасининг ҳолатига ўхшар эди...

Абдор олий ўқув юртини битириб, шаҳардаги йирик корхоналардан бирига муҳандис лавозимига ишга тайинланди. Ота-онаси ёлғиз ўғлининг бахт-иқболини кўриш орузида шаҳарнинг энг олди қизларидан бўлган Салимага уйлантириб қўйишди. Оилавий тўла-тўқислик, ёшлик шижоати, устозларидан олган чўқур билим, ўз касби билан қизиқиш билан қўшилиб Абдорга кетма-кет муваффақиятлар келтира бошлади. Одамшинавандалиги хушмуома-

МЕХРГА ЗОР ИНТИЗОР

лалиги ҳамкасблари ўртасида обрўсини ошириб, раҳбарларнинг назарига тез тушди. Ёш, ишчан мутахассисни тез орада корхона раҳбари лавозимига лойиқ қўришди. Баланд амал курсиси, катта обрў-эътибор унинг атрофига таъмагир нафс бандаларини тўплай бошлади.

- Абдор ака, хонадонимизга бир қадам ранжиди қилсангиз бошимиз кўкка етарди! Абдорнинг “ранжидан қадами”ни хурсанд қилиш учун қўйлар сўйилар, коньяк ва ароқлар анҳордай оқарди...

- Абдор ака, арзимас совғамизни топиришга рухсат берсангиз?!

Бриллиант кўзли узуклар, олтин соатлар кейинчалик енгил машина ва квартираларнинг қалитлари “арзимас совға” сифатида Абдорнинг “чал” чўнтагидан жой оларди.

Уйларига қираётган ноёб, қимматбаҳо буюмларни ойлик маош билан харид қилиб бўлмаслигини тушунган ота-онанинг панду-насихатлари унга кор қилмас эди. Фельу атворидидаги самимийлик ва юмшоқлик секин-аста худбинлик, ҳамда ўжарлик билан алмашди. Баъзи ҳолларда падари бузрукворига ҳам қўрсик қилиш, онаизорини сўз билан салтак даражасига етди. Хусну малохатда маликалардай бўлган ҳаё соҳибаси Салимани бўлса, бора-бора менсимай қўйди, хўрлай бошлади. Эрининг чакки қадам олишини нозик ички туйғу билан сезган Салиманинг ялиниб-ёлворилари: “Ширин рўзгоримизни захарга айланторманг, фарзандларимизни тирик етим қилманг”, -дея ҳаром йўллардан қайтарилари бари беҳуда кетди. Мансаби атрофидаги манфаат юзасидан ялтоқланувчиларнинг фириблари, суюқоёқ аёллар билан бўладиган айшу-ишратлар ота-она, оила, фарзандлар муҳаббатидан устун келарди. Албатта, Салима, ўғли — Икдор, қизи — Адиба тўқинликда яхши еб-ичар, яхши кийнаган эдилар. Лекин инсон учун емок, ичмокдан-да, азиз бўлган яна бир туйғу борки, унинг номи — Мехр, унинг номи — Қадр. Мехр ва Қадрининг қаҳатчилигини мол-дунё тўлдиролмайди. Уларси яшаганларнинг бахти кемтиқдир. Салима ҳам кемтик бахт билан яшай олмайди. Ўғли ва қизини олиб ота-онасиникига ке-

тиб қолди. Оиласидан ажралиш Абдор учун унчалик катта йўқотиш бўлмади. Чунки бу вақтга келиб у Зулхумор билан ноконуний яшаб турганди. Зулхуморнинг нозу қарашмалари ортидаги фитнани, эркалатишлари замиридаги тузукни вақтида кўра олмайди. Зулхумор учун Абдор “Олтин балчиқ”дек истган нарсасини муҳайё қилувчи эди. Унинг оғзидан чиққан ҳар бир истагини сўзсиз бажаришни Абдор ўзи учун қонун деб биларди. Қимматбаҳо



кийим-кечакларга тўлдириб ташлар, дуру жавахирларни кўнгли кўчасига сиққанича олиб беради. Ҳар йили чет элларга туристик саёҳатлар, энг яхши курортларга йўлланмаларнинг бари Зулхуморнинг ишрати йўлида қўрбон бўлар эди.

“Сиздан утгина, биздан бугина”, деганларидек шохона зиёфатлари, камёб совғалари ҳам жавобини вақтида қайтартиш керак. Буларнинг ҳаммаси учун ҳалоллик ва қонун йўлида юрган кишининг имконияти етмайди. Ўз-ўзидан қонун доирасини четлаб ўтиш, ҳалоллик бўлогини нопок қўллар билан бўлғашга тўғри келлади. Нафсу ўпқон, кибру ҳаво меҳнаткаш халқнинг ризқини қирқилган ҳам, давлат қонунларини бузишдан ҳам тап тортайдиган қилиб қўяди. Шўхратпарастлиқнинг кўзни қамаштирувчи қуруқ жилваси, маишатбозлиқнинг ўткинчи кайф-сафоси унинг ақл қўзини кўр, руҳиятини шол қилиб қўйган эди. Ҳар нарсанинг охири, чегараси бўлгани каби бузуқлик ботқоқининг ҳам қирғоғи бори. Бу ботқоқдан Абдорнинг чиқишига қонун ҳимоячилари ёрдам бердилар. Жазони ижро этиш мусассасидаги ўн йиллик қамок мuddати унга ҳақиқий сабоқни берди. У энди ҳалол инсон бўлиб озодликка чиққан, аммо оқ билан қоранинг фарқини биландиган бўлгунча анча вақт ўтган эди. Фарзандларининг қилмишлари оқибатида маломатга қолган ота-онаси бирин-кетин вафот этган, Зулхумор бўлса квартира билан “Волга”ни сотиб бошқа шахарга қўчиб кетган эди. Турмушининг тош зарбаларидан қотган Салиманинг қалби умрининг гулбахорини дахшатли селдай оқизиб кетган уйга қайтишни, боқира ёшлигини ўғирлаб хиёнат қилган киши билан яшашга йўл қўймади. Фақатгина Икдор билан Адибанинг илтимосларидан кейингина уларга отасидан хабар олиб туришга рухсат берди.

...Мана энди орадан йиллар ўтиб ўзи меҳрга зор қилган, йўлларига нигорон кўз қаратган фарзандларининг дийдорига зор, йўлларига гирён боқиб умр ўтказмоқда у. Яхшики, фарзанд қалби меҳру муҳаббатга, инсонийликка монанд.

Зафар ФОЗИЛИЙ

Андижон вилояти

ХАЙР ЭНДИ

Ярим тунда юрагимнинг оғригидан уйғониб кетдим. Осмон қор-қора. Деразамга шитирлаганча ёмғир томчилари аёвсиз урилади. Шамсиямни ҳам олмасдан ташқарига, ёмғир билан сирлашгани отландим. Ҳеч ким менга «қайт» демади.

Аёвсиз ёмғир томчилари юзимга урилади. Мен ундан бир нидо укаман:

... Бебахтсиз, бебахтсиз!..

Тираётган лабимда бир талх нарсани таъминий сезиб шивирлайман.

... Сиз ҳақсиз, сиз ҳақсиз!..

Ногоҳон ҳаёлим Сиз билан бўлган

бугунги мулоқотга кўчади...

Ёруғ, шинам хона. Энг юқорида киборларнинг кибори бўлиб, савлат тўкиб ўтирибсиз. Мени шундай илтифотсиз қутиб олдингиз-ки, бу сиз учун олдий ҳолдир, балки. Аммо, мен юзимга ногоҳон тарсаки тушгандек гангиб қолдим.

Жилмайишга ҳаракат қилдингиз. Йўқ, овора бўлманг, кулолмайсиз. Боси, у кулги Сизнинг юрагингиздан чиқмапти...

Ажабо, Сиз қачон бунчалик “юқорилаб” кетдингиз?! Мен қачон ўзимни шунчалик “паст”латдим?!

Эшикни бир қиз рухсатсиз очиб кирди. (Ҳадди сиққанлиги учун ал-

батта) Сиз... Сиз уни илтифот билан қутиб олдингиз...

Эслолмадим. Сиз билан хайрлашдимми, ёки... Ўзимни сершовқин қўчада, одамлар орасида қўрдим. Яхшиямки, шу одамлар бор!...

Менинг оппоқ туйғуларим, хайр энди, Баҳоси йўқ инжуларим, хайр энди. Афтоҳон аҳволимдан шодон бўлинг, Сизга рухсат, рақиблару ғайор энди. Садокатини бошим узра тож айландим, Бир боқишга бор ҳаётим бож айландим. Юрагим-эй, кимга ихзор роз айлдинг?! Кувончларим, қайғуларим, хайр энди.

Оллох, менга Зулайҳодек сабр бергин! Севги берсанг унга қўшиб қадр бергин. Зухроси деб жондан кечар Тохир бергин. Қоработир огуларим, хайр энди.

Энди менинг маҳзун ҳолим қўролмайсиз, Кипригингиз нега ҳўл, деб сўролмайсиз. Қоқ кўксимни нишон олиб уролмайсиз, Нигоҳи ўқ-жодуларим, хайр энди.

“Биров”лар деб тонгларим ҳам шом бўлмайди. Юраккинам армонлардан занг бўлмайди.

Ҳаёт ўзи шафқатсиз бир тилсим экан, Барибир, бу мағрур бошим ҳам бўлмайди. Умидларим, орзуларим, хайр энди...

Кувончларим, қайғуларим хайр энди...

УМИДАБОНУ

(Саҳифанинг боши 4-бетда.)

- Мени ҳам балоғат ёшига етган ўғлим бор,- дейди Бахтиёр деган киши кўнгирак қилиб. - Хозир институтнинг иккинчи курсида ўқийди. Баъзан кечки пайт ўртоқлари йўқлаб келса, кўчага чиқиб кетади. Не маҳалда келиб ўз жойига ётганини гоҳ билмай, гоҳ қоламан. Эрталаб суриштирсам, "Қаерга ҳам борардим, ўртоқларим билан дарс тайёрладим", дейди.

- Балки дарс тайёрлагани ростдир. Энди шу мақола чикди деб оёғига тушов солиб кўймоқчимисиз?

- Тушов солмоқчи эмасман, кўнглим хавотирда.

- Хавотир олманг, ўғлингизга яхши тарбия берган бўсангиз но-жўя қадам босмаса керак.

- Билмадим.

МЕНИНГ ҲАМ КЎНГЛИМ ХАВОТИРДА

- Уни гапга солиб насиҳат берган бўлинг, кўнглига қўл солиб кўринг. Қуръони Каримда ҳам балоғат ёшига етган ўғил болага ота, қиз болага она йўл-йўрик кўрсатиши керак дейилган. Сиз ўзингизни четга олсангиз, ўғлингиз ҳам сиздан ўзини олиб қочади. Гуноҳ савобни фарқини билмаган балоғат ёшидаги йигит гар мукомга йўғалаш мумкин.

Ўғлингизни тўғри йўлга солиш сиз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Уни ўқиши моддий жиҳатдан оёққа тури олиши борасида қайғурсангиз, хулқи- атвори, одоб- ахлоқи билан қизиқсангиз, Худо кўрсатмасин кўнгли кўчасига қириб кетса, уни бу йўлдан қайтариш кейин мушкул кечади. Уйлантирганингиздан кейин ҳам кўнглига эргашиб кетади-

ган одатини ташламайди. Ўғлингиз ўзи неча ёшда?

- Йигирмага яқинда тўлди.

- Имкон борича кўнглига қаранг. Севган қизи бўлса, иккита нонни синдириб қўсангиз ҳаёли қанот чиқариб ҳар томонга учадиган бўлмайди. Хар нарсани вақтида бўлгани яхши. Ёшларимизнинг кўзини бошқалар эмас, ўз жуфти ҳалоли очсин. Шунда унинг кўзлари фақат жуфти ҳалолини кўради.

Шу «Ҳаммаси тушдагидай бўлди» мақоласини беришдан ҳам мақсадимиз уни тарғиб қилиш эмас. Ота-оналаримиз кўзини ғафлат уйқусидан очиб эди. "Қасални яширсанг иситмаси ошкор қилади", деган нақл бор халқимизда. Биз шунга амал қилдик. Қасални даволашдан унинг олдини ўз вақтида олиш яхши-да...

Тоҳир НОРИМОВ

ҲУШТАК

Икки кишилик купеда озгиндан келган, лекин бироз димоғдор ҳамроҳим билан кетаётган эдик. У эса ўзини фалсафа фанлари доктори деб таништирди. Кеч бўлиб, ухлаш пайти ҳам келди. Мен жойимни тайёрлар эканман шеригимга:

- Ҳурматли домла, масалани ҳозирок ҳал қилиб олайлик, кейин бирон бир кўнглисизлик бўлмасин. Тўғриси, мен ухлаётиб хуррак отаман... Шунга... Агар сизга ҳалақит берса, ҳеч тортинмай шундоққина бир-икки ҳуштак чалсангиз, дарров ён томонимга ўгирилиб оламан,- дедим.

- Майли, майли. Ҳеч ҳам хижолат бўлманг, менга ҳалақит бермайди...- деди, профессор домла. Поездда бир чиройли уйқун уриб, манзилимга етай деганда уйғондим. Қарасам, хонадошим йўқ. Юз-қўлини ювгани чиққан бўлса керак, деб ўйладим аввалига. Кейин кўрпа-тўшакларининг ҳам йиғиштирилганини кўргач, уни қидиришга тушдим. Назоратчидан сўрадим:

- Кечирасиз, ҳамроҳим кўринмайдиларми? - Вагон нозири хурсанд бир овозда шундай деди: - Унинг ақли жойидамасга ўхшайди. Эрталаб-гача ҳуштак чалавериби вагондагиларни сира ухлатмади. Шунинг учун уни ярим йўлда тушириб юборишга мажбур бўлдик!..

Н. ШАМС

(Боши ўтган сонда.)

Бошимга болта теккандай бир зарба урилди. Овозим калтираб "ҳозир",- дедим. У эшикни очик қолдириб бурулиб кетди. Мен даҳшатдан бошимни кўрпага ўраб не-не ҳаёлларга бормадим дейсиз. Ахир мен меҳмон бўлсам. Жон дўстимнинг тузини еб, тузлугига қандай қилиб тупуришим мумкин ахир. Йигитлик ғурурим устун келиб қизнинг орқасидан чиқдим ҳам дейлик. Ота-онаси, дўстим сезиб қолса нима деган одам бўламан. Бунинг устига ишқий мактаб бўса-ғасини босмаганман ҳали.

Шулари ўйлай-ўйлай ухлаб қолибман. Бир пайт "подъём" деган овоз баробарида устимдаги кўрпа олиб ташланди. Кўзим дўстимнинг кулиб турган юзига тушди. Сапчиб ўрнимдан туриб у билан олиша кетдим. Иккаламиз ҳам ички кийимда, унинг ўртоғи бу ҳолимизни завқ билан бир четда кузатиб турарди. Роса қизишиб олди. Кийиниб ташқарига ювиниб келиш учун чиқаётгандик, дўстимнинг синглиси биз ётган кўрпа-тўшакни йиғиштириш учун уйга кираётиб, атай қўли-




ҒУНАЖИН КЎЗИНИ СУЗДИ-Ю...

ни кўлимга тегизиб уйга кириб кетди. Мен ўзимни сезмаганликка олдим. Лекин у бу билан ҳам қаноатманди.

Мен ҳаммадан кейин ювиндим. Дўстим ва унинг ўртоғи уйга кириб кетишганди. Ҳалиги қиз кўлимга сочиқ тутаётиб: "Нимага тунда чақирганимда чиқмадингиз, мен сизни еб қўймоқчи эмасдим, ўғил боламисиз ўзи?", деди. Нима дейишимни билмай қўлидан сочиқни олиб юзимга босдим. Бир қошқ сув билан ютудай чиройига эга бўлган бу қиз кўзимга шу қадар ҳунук кўриниб кетдики, баҳона учун жавоб қайтаришни ҳам унга ҳайф билдим. Унинг шу гапидан кейин тезроқ бу даргоҳдан кетиш ҳисси уйғонди менда. Кеча дўстим билан тузган режаларимиз зилзаладан вайрон бўлган шаҳардай тит-пит бўлиб кетди. Эрталабки нонуштадан кейин кетишга ҳозирландим. Дўстимнинг қаршиликлари: "Ҳеч бўлмаса тагин бир кун меҳмон бўл", деб ялинишлари беҳуда кетди. У мендан бироз ҳафа бўлган куйи бекатгача кузатиб келди. Мен мўлжаллаб келган автобус кетишга шай бўлиб турган экан. Биз етиб келишимиз билан унинг матори ҳам гуриллади. Шунда дўстим: "Ойда, йилда бир учрашдигу, сўзимни ерда қолдирдинг-а, мен сендан бунини кутмагандим", деб елкамдан қучиб маҳкам бағрига босиб қаттиқ бир сиқи-ю, сўнг қўйиб елкамга ўнг қўли билан бир уриб: "Бўпти, омон бўл, уйланаётганимда бир ҳафта олдин хабар бер, сенинг энг яқин дўстинг сифатида ёнигга ўзим ўтираман", деди-ю, кўзларимга тикилди. Унинг кўзларида билинар-билинмас ёш айланди. Автобусга чиқдим, у юра бошлади. Тикилганда дўстимни кўрай деб ойнага талпинаман. Уни кўрдим. У қафтлари билан кўз ёшларини артаётганига кўзим тушди. Автобус бекатдан тобора чироклашиб борарди. Йиллар секин-аста иккимизим ҳам турмуш ташвишларига қариштириб ташлади. Сўнгги марта 14 йил бурун уни кўргандим. Шу йиллар мобайнида 14 қаторгина хат ёзишга ҳам вақт топмабман-а. Хар гал альбомни варақлаганда унинг расмига кўзим тушиб, беғубор аскарлик даврим ёдимга тушиб кетади. Уни мендан синглисининг бебош эҳтироси ҳам ажрата олмади. Мен унинг шаънига ҳам, ўзимнинг шаънимга ҳам хиёнат қилмагандим ўшанди.

ОЛИМЖОН НУРМАТОВ



«Оила ва жамият» газетасини олиб ўқинг! Обуна бўлинг! Ахир унда биз эркаклар ҳаётига хос бўлган кўп ибратли воқеалар ва ҳодисалардан воқиф бўласиз.

«Оила ва жамият» ҳар бир хонадонга

Норинисо ая чоршанба кун матбуот дўконига чикди. Қараса у хар доим интизорлик билан кутаётган газетаси «Оила ва жамият» аллақачон тугаган экан. Кейин сал наридаги дўконга борди. Бироқ у ерда ҳам севимли газетаси тамом бўлибди. Фигони фалакка чиқиб қайтаётган Норинисо ая йўлда бозордан келаётган чоли Мамасодиқ акани учратди.

- Ие, кампир, нима қилиб юрибсан, тинчликми? - деди ҳайрон бўлиб чоли.

- Боринг-э, бир сиз қўлувингиз мендан ҳол сўрамаган,- дея кампир йўлида давом этди. Маҳалласига етганда кўчадаги катта ариққа тушиб кетиб чиқа олмаётган набирасини кўриб қолди. Уни бир амаллаб ариқдан тортиб олиб кетига аямай бир-икки туширди. Уйига етай деганида ўғли Илхомжон машинасида келиб қолди. Илхомжон онасининг қайфияти бузуқлигини дарров сезди. Машинасини дарҳол тўхтатиб тушиб эшигини очди.

- Ойжон, келинг машинага чикинг,- деди у одоб билан.

- Кераги йўқ энди. Мен севган газета қолмабди. Машина билан борсам ҳам тополмайман. Мен сизларга минг марта обуна бўлинглар, деганман. Хар чоршанба ахвол шу, дўконга катнай-катнай адо бўлдим.

Норинисо аянинг ўғли Илхомжон ақли йигит эмасми, ҳаммасини тушунди. Машинасини бўлими томонга бурди. «Оила ва жамият» газетасининг бир йиллик обунаси ҳақидаги ўловномасини олиб аяқонига тортиқ қилди. Шу кунли улар хонадониди байрам бўлиб кетди. Биз Сизнинг хонадонингизни ҳам ана шундай байрам, шодлиғу-шодонлик ҳеч қачон тарқатмаслигини, истаимиз азиз юртдошлар! Фурсатни сира бой бермай «Оила ва жамият»га зудлик билан обуна бўлсангиз кўнингиз хар доим бахтиёр ўтади.



Кўнингдан бир кун қолса ҳам палов е,- деган нақлдан бир тийин қолса ҳам палов е,- деган нақлдан кўп ишлатилар ҳурматли ўстозимиз Саид Аҳмад Домла.

Оила ва жамият

Муаллиф фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайдиган, ёзма жавоб қилинмайди. Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 34-25-46

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темури кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи»
Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - Ҷакка обуначилар учун 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси-
да № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 941. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобқ.
Баҳоси эркин нархда. Адади - 22772
Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ.
Расом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи — М. СОДИКОВ.